



САОЛАТ

11
2020

1925 йилдан чиқа бошлаган

*Муножжат
Ўлмева*



Маҳмудхўжа Беҳбудий



Маҳмудхўжа Беҳбудий – аллома, ёзувчи, жамоат арбоби ва ўзбек драматургияси асосчиси. Жадидчилик ҳаракати, яъни янгича ўқув методикаси лидери. У 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида туғилган. Беҳбудий Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таълим олган. У мамлакатнинг тараққиёти учун билим сув ва ҳаводай зарурлигини жуда эрта англайди ва Самарқанд атрофларида мактаблар очиш ишига бош бўлади. Мактаблар учун дарсликлар ёзади. Маърифат ва маънавият кучини, жаҳолат изтиробларини кенг оммага билдириш мақсадида “Падаркуш”

драмаси билан ўша давр ҳаётига кўзгу тутади. Унинг ташаббуси билан чоп этилган “Самарқанд” газетаси, “Оина” журнали жамиятнинг овозига айланди. Ҳаётга очиқ кўз билан қараш, дунёвий, руҳоний билимларни ўзлаштириб, ҳақ-ҳуқуқини таниш, инсондай хур ва фаровон яшашга чорлов Беҳбудий фаолияти ва ижодининг бош сўзи бўлди. Унинг ундовлари, истак, интилишларини замонаси кўтара олмади. 1919 йилда фожеали тарзда қатл қилинди. Жадидчилик ҳаракатининг фидойиларидан бўлган кўп қиррали истеъдод эгасининг асарлари бугун кўп нусхаларда чоп этилиб, ўқиб, ўрганилмоқда.



Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Миллатлар қандай тараққий этарлар?



*М*иллатлар тараққийиға бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила ағниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилгувчи миллатлар аҳволиға диққат қилинса, мазкур икки синф муҳтарамни ўз миллатлариға сўз ва оқча ила хидмат этганлари фавран зоҳир бўлур.

*Ҳ*ар миллатнинг уламози, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслиҳи учун баҳс ва муколамалар қилурлар.

*М*араққий қилгувчи миллатларнинг уламози замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг “масолиҳа замонийя”си учун саъй этар, миллатни пешрафтиға оқча ила, ҳайрат ила иона қилмоқни миллат бойлариға таклиф этар, ташвиқ ва таҳрис этар. Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва ҳавоижии миллия ва замонийяни ўз миллат мансубасиға билдирарлар. Замона ағниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар...

БЕҲБУДИЙ
1875 - 1919

ИШ – ҚАДР,

ИШ – ИМКОН...

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан вазирлик ҳамда Корея ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатламини қўллаб-қувватлаш дастури” лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларига уюштирилган пресс-тур давомида хотин-қизларимиз, ёшларимиз бўш вақтларини хунар ўрганишга сарфлаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Жойларда очилган бундай ўқув марказларида ҳудудлардаги 200 нафарга яқин аёллар ва ёшлар пазандачилик, компьютер саводхонлиги ва тикувчилик курсларида таҳсил олишлари мумкин.

Бундан икки ой муқаддам Корея ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги офиси вакиллари томонидан мазкур лойиҳани ҳамкорликда амалга ошириш бўйича меморандум имзоланган эди. Қисқа фурсат ичида ушбу лойиҳа амалда ўз исботини топганини кўриб турибмиз.

Ташкил этилган пресс-тур доирасида дастлабки манзилимиз Оқолтин тумани бўлди. Тумандаги



“Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида “Маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш маскани”нинг очилиш маросимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов, Корея ҳамкорлик агентлиги директори Пак Сунжин хоним иштирок этиб, қизил тасмани кесишди. Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари марказ биноларини кўздан кечириб, ўқитувчию ўқувчилар билан суҳбатда бўлишди.

– 10 йилдан зиёдроқ вақт давомида уй шароитида пазандачилик сирларини ўргатиб келаман, – дейди пазандачилик курси ўқитувчиси Марғуба Алиқулова. – Ўқув хонамиз 12 кишига мўлжалланган бўлиб, икки сменада ўқитамиз. Барча жиҳозлар муҳайё қилинган. Битирувчиларга ўқув курсини муваффақиятли тамомлагач, марказимиз томонидан сертификат берилади.

Лочинбек Сангирев Гулистон давлат университетининг сиртқи бўлимида таҳсил олади. Туманда ўқув маркази очилиб у кўп ёшлар қатори иш билан таъминланди. Эндиликда компьютер саводхонлиги бўйича ўз маҳалладошларига сабоқ беради. Қайд этиш жоизки, ўқув хоналари компьютерлар билан жиҳозланган, интернет тармоғига уланган. Шинам ва ёруғ хоналар бир вақтнинг ўзида 25 кишини ўқитиш имкониятини беради.

– Ёшим 26 да, – дейди суҳбатимиз давомида Насиба Тожибоева. – Ишсиз уйда ўтирган эдим. Бирон ерга ишга киришингиз учун компьютер саводхонлигингиз сўралади. Шу сабабдан биринчилардан бўлиб ўқув курсига ёзилдим. Туманимизда ўқув маркази очилгани мен каби тенгдошларимнинг касб-корли бўлишига имкон яратди.

Махлиё Аҳмадалиева, Дилфуза Алиқулова, Севара Кўчмуродова сингари ўнлаб опа-сингилларимиз 2 ой давомида бичиш-тикиш сирларини тикувчи Нилуфар Жабборкуловдан ўрганишиб

қўли гул чеварларга айланишмоқда. Замонавий тикув машиналарида ўтирган хотин-қизларимизнинг қувончу шодликлари юзларида уфуриб турибди. Ахир улар хунарли бўлишяпти.

Пресс-тур иштирокчилари учун шу жойнинг ўзида ҳамкорлар билан биргаликда матбуот анжумани ташкил этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов мазкур лойиҳанинг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида гапирар экан, шундай деди:

– Сирдарёда катта лойиҳалар амалга ошириш кўзда тутилган. Келажакда фойдаланишга топшириладиган корхона ва фабрикаларга ишчи кучи керак. Шу сабабдан мазкур ўқув курсини тамомлаганлар тўғридан-тўғри ишли бўлишлари мумкин. Аҳолининг заиф қатламини қўллаб-қувватлашда кўрсатган ёрдами учун Корея ҳамкорлик агентлигига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шунингдек, вазир ОАВ ва блогерлар билан ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталди. Вазир Корея ҳамкорлик агентлиги директори Пак Сунжин хонимга миннатдорчилик билдирди.

Пак Сунжин хоним лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, марказларни ташкил этишда меморандум имзоланганлиги учун ташаккур изҳор қилди. Ташкилот ҳар доим ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди. Жиззах туманида ҳам мана шундай лойиҳаларни амалга оширишни режалаштириляётганига тўхталди. Пак Сунжин хоним мазкур марказ катта тажриба мактаби бўлишига, иш ўрнига эга бўлмаган аёллар касб-хунар ўрганиб, ишли бўлиб, жамиятда ўз ўринларини топишига умид билдирди.

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили Сардоба тумани бўлди. Тумандаги “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида навбатдаги ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур марказ ҳам барча қулайликларга эга. Шунингдек, бинода кутубхона ва аёлларга зарур маслаҳатлар берувчи алоҳида хоналар ҳам мавжуд.

Нилуфар Муҳаммадиева ўқув марказида чеварликдан дарс беради. Ўқув хонасининг сифими 9 нафарга мўлжалланганлиги боис ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлган ҳолда ўқитади. Ўқувчиларнинг



90 фоизини уй бекалари, ишсиз хотин-қизлар ташкил этади.

– 12 йилдан бери пазандачиликдан дарс бераман, – дейди Юлдуз Абдуллаева. – Бу борада анча тажриба орттирганлигим боис ўқувчилар билан тезда тил топишиб кетдик. Бир гуруҳимизда 10 нафар ўқувчи бўлиб, бундай гуруҳларимиз жами 4 та. Икки ой ичида уларга 28 турдаги маҳсулот тайёрлаш билан биргаликда карвинг санъатини ҳам ўргатаман.

Абдурахмон Анорбоев ҳам ёшлар вакили. У тумандошларига компьютер саводхонлигидан нимаики зарур бўлса ўргатади. Битирувчиларда бемалол компьютер техникасидан фойдаланиш кўникмаси шаклланади. Ҳафтасига уч кунлик дарсларда 30 нафар қизиқувчилар 2 сменада ўқитилади. Албатта, дастур сўнггида битирувчиларга сертификат берилади.

Сардобада яна бир аҳоли учун яратилган қулайликни кўриб, хурсанд бўлган ҳолда йўлимизда давом этдик. Мирзаобод туманидаги “Дехқонобод” маҳалласи худудида жойлашган Маданият маркази биносида фаолияти йўлга қўйилаётган навбатдаги ўқув марказининг очилиш маросимида қатнашдик.

– Икки сменада аёлларимизни ўқитишга киришдик, – дейди тикувчи Гулчехра Каримова. – Битирувчиларимиз бемалол ўзларига либослар тикишлари мумкин. Келажакда уларни иш билан таъминлаш мақсадида цехлар билан буюртма олиш бўйича шартнома имзолаймиз. Устоз-шогирд анъанасини давом эттирамыз.

Таъкидлаш жоизки, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) узоқ йиллар давомида юртимиз билан бир қанча соҳалар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хизматлар, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишлар бўйича доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бу йил халқимиз, айниқса, сирдарёликлар учун синовли йил бўлди. Аммо синовларда тобланган эл бу кунларни сабр билан босиб ўтди. Ҳукуратимиз томонидан талафотлар оқибатларини бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатлар ишга солинди. “Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатламини қўллаб-қувватлаш дастури” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳам ана шу эзгуликнинг бир қисми десак, муболаға бўлмайди.

Сирдарёликлар истиқболи учун ташланган яна бир қадам вақт ўтиши билан ўз натижасини беришига ишонамыз.

Шахло АБДУСАИДОВА,
Сирдарё вилояти

ЧИМБОЙНИНГ ОНА ҚИЗИ

*Ўзбекистон Қаҳрамони
Онесия Сайтова
портретига чизгилар*



Кегайли канали... (Бу канал Чимбойдан ҳам оқиб ўтади) Омонатгина кўприқдан ҳар куни неча бор ўтиб қайтадиган беш яшар қизалоқ болалигидан жасур бўлишга улгурганди. Тумандаги пахта заводида қоровуллик билан оила тебратадиган Сайт акага онаси Гулзира опа пиширган овқатни ташийдиган Онесия, кучли шамолга дош беролмай тебранаётган кўприк устидан ўтаркан, пастга қараб-қараб кўярди. Пишқириб, кўпик сочиб оқаётган сув қизчанинг кўйлаklarини хўл қилар, сочларини тўзғитиб, юзларига шитоб билан урилларди. Аммо у чўчимас, тўхтамасди. Чунки отаси уни кутаётганини биларди. Оиланинг тўнғич фарзанди эмасми, укаларига ғамхўрлик қилиш, онасига ёрдамлашиш, отасига дастёр бўлишга тиришган ва бунинг уддасидан чиққан. Мактабдан келиб, уй юмушларини бажаргач, отасига чангақдан қўра ясашга ёрдамлашар (ўша пайтда охурлар шундай бўлган), гарчи кучи етмаса-да, бир томондан елкаси билан итариб турар, отаси сим тўр билан чангақларни бир-бирига туташтириб боғларди. Ёш бўлишига қарамай, кези келганда сигир ҳам соққан, молларни подага ҳайдаган.

Канал бўйидаги отаси эккан қоратол, оқ тераклар қизча хаёл оламининг бир қисми эди. Кундан-кунга бўй чўзиб бораётган дарахтлар билан бирга унинг орзулари ҳам улғаяр эди.

Отасининг меҳнатқашлиги Онесияга ўтган бўлса керакки, у ҳар куни неча чақирим йўл босиб, толларга сув қуйгани келарди. Онасининг жуда тежамкор аёл бўлганликларини эслайди: “Онажоним доно аёл бўлган экан. У киши рўзгорнинг бекаму кўст бўлиши учун отажоним билан елкама-елка туриб қўлидан келганча меҳнат қилган. Уйимизда сигир, бузоқ, қўй, қўзи, хуллас, оилага нима керак бўл-

са, барисини муҳайё қилганлар. Энди билсам, онажоним бугунги тил билан гапирганда “иктисодчи” бўлган эканлар...”, – дейди Онесия.

Чин дилдан қилинган ҳар қандай ният, албатта, ижобат бўларкан. Нурунийларимиз “ният – халос” деб бежиз айтишмас экан. Болалик пайтида: “Катта бўлсам, албатта, дўхтир бўламан”, дея тилак тиланган қизалоқ йиллар ўтиб ўзи орзу қилган ниятига эришди. Онесия Сайтова... Бизнингча, бу аёл тимсолида буткул қорақалпоқ аёлларини кўриш мумкин. Ундаги дангаллик, довюраллик айнан қорақалпоқларга хос хислат. Қаҳрамонлик ўз-ўзидан туғилмайди. Машаққатли меҳнат, жонфидалик ва касбга садоқат, халқнинг ишончию муҳаббатини қозониш орқали эришилади бундай мақомга. Меҳнат инсонни тоблаяди, юксакларга кўтареди.

1949 йил Чимбой шаҳрида туғилган Онесия Сайтова шаҳардаги 2-мактабда таҳсил олади. Синфдошлари орасида ўзининг билимдонлиги, хулқи ва тиниб-тинчимаслиги билан намуна бўла олган тиришқоқ қизча фанларни яхши ўзлаштирибгина қолмай, синфда етакчиликни ҳам ўрнига кўярди. Ўқувчилик чоғида ма-

тематика, физика фанларидан фан олимпиадаларига мунтазам қатнашиб, ютуқларга эришган, ҳатто спортнинг енгил атлетика тури бўйича югуриш мусобақасида шаҳарда 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида ҳам иштирок этган эди. Ҳар доим олдинги сафда бўлиб, мактаб фаҳрига айланган ўқувчи мактабни кумуш медаль билан битирди.

– Бир куни дадажоним қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Кечга бориб аҳволи янада оғирлашди. Табиийки, “тез ёрдам” чақирдик. У пайтда мен 5 яшар эдим. Уйга оқ халатли шифокорлар кириб келишди. Қўлларида қаттақон темир жомадон кўтариб олишган. Ойижоним уларни дадам ётган хонага олиб ўтди. Мен ҳам орқаларидан эргашдим. Хонанинг бир бурчагида ўтирарканман, уларнинг ҳаракатларини кузатдим, шунда дўхтир дадамга битта укол қилди. Кўзларим жовдираб бир дадамга, бир дўхтирга қарайман. Дўхтир ўзини эркин тутар ва ўз ишини бамайлихотир бажарарди. Бир муддат ўтиришгач, қайта текширишди, юзларида табассум билан ўринларидан туришди. Орадан қанча ўтди, билмадим. Бир пайт дадам кўзларини очдилар. Барчамиз қувониб кетдик. Айниқса, мен, чунки дадамни ҳаммадан ҳам кўпроқ мен яхши кўрардим. Ёнларига бориб, юзларини силадим, қўлларини маҳкам сиқарканман: “Дадажон, тузалдингизми? Катта бўлсам, албатта, дўхтир бўламан, сизни ўзим даволайман!” дедим. Дадам пешо-

Отасидан меҳнат-кашлик ва қатъийликни, онасидан меҳр ва тежамкорликни андоза қилиб олган.

намдан ўпиб, “Илоҳим, ниятингга ет!” дедилар. Шу воқеа сабаб бўлдимиз ёки болаларча қизиқишми, билмадим, шифокор бўлишга аҳд қилдим. Балки, дадажонимга бўлган меҳримми ёки дадамни йўқотиб қўйишдан қаттиқ кўрққанам, мени шифокорлик касбини танлашга ундади, – дейди Онасия Сайтова орзулар оламидаги илк қадамларини эсларкан.

Андижон тиббиёт билим юрти... Мақсадларига тамал тошини айнан шу даргоҳда қўйди. Ўқи-

ди, ўрганди, изланди. Тиббиёт билим юртини тугатгач, яна ўқишини давом эттирди. Андижон давлат тиббиёт институтида ҳам курсдошларига ўрناق бўла олди. Мазкур даргоҳда курсдошлари орасида тиниб-тинчимаслиги доим бир нималарни бошлаб юриши, қатъиятлилиги боис уни бир овоздан гуруҳ сардори қилиб сайлашади.

Отасидан меҳнаткашлик ва қатъийликни, онасидан меҳр ва тежамкорликни андоза қилиб олган шифокор Андижонда ўтган талабалик йиллариданоқ ён-атрофидагилар, дўстлар, асосийси, устозлари меҳрини қозонди. Унда вазиятни тўғри баҳолай олиш фазилати кучли бўлган. Шунданми, аёллар шифокори бўлишга қарор қилади. Боиси аёллар шифокори етишмасди, айниқса қишлоқ жойларида.

Аёлнинг бахти оиласида деганлари рост экан. Бу борада ҳам омади чоғиб, бўлғуси турмуш ўртоғи, шўманойлик Қувончбой Есенбоев билан шу ерда танишиб, йигитга кўнгили қўйди. Ўша даврда ягона саналган пахтачилик институтида таҳсил олган Қувончбой рафиқасини бахтли қила олди.

Ҳаёт инсонни тоблаганидек, турмушнинг паст-баландликларида тобланган бу оила кўпчилик ўрناق олса арзийдиган оилага айланди.

Институтни тамомлагач, бўлғуси шифокор ҳозирги Деҳқонобод овулига аёллар шифокори сифатида йўлланади. Онасия Сайтова илк иш йилларини шундай хотирлайди:

– Овулнинг оғир турмуши. Камқонлик, йилда фарзанд кўравергач ҳолсизлик ва турли асоратлар гирдобига тушиб қолган аёллар. Хотирам панд бермаса, 1973 йил ёз ойи эди.



Оғир аҳволдаги аёлдан чақирув келди. Терапевт Йўлдошбой оға билан бирга йўлга тушдик. Зудлик билан операция қилишга тўғри келди. Чунки онанинг ҳам, боланинг ҳам ҳаёти хавф остида эди. Икковимиз ҳам қора терга тушиб, операция йўли билан аёлни туғдириб олдик. Бир пайт Йўлдошбой оға менга қараб: “Аёлнинг юраги тўхтаб қолди”, деса бўладими? Фурсат кутиб турмасди, ўзимни куч билан қўлга олдим. “Тўртинчи қовурга билан кўкрак қафаси қўшилган жойни топиб, кўрсатинг”, дедим. Ҳеч иккиланмай юраги ичига укол юбордим. Аёлнинг юраги уриб кетди. Операциядан чиқарканман, ич-ичимдан институтда таълим берган ўқитувчиларимдан ва интернатда қаттиққўллик билан устозлик қилган профессор-ўқитувчилардан жуда-жуда миннатдор бўлдим. Шунда шифокор учун жуда муҳим нарса бу – тўғри ташхис ва лозим пайтда тўғри қарор қабул қилиш эканлигини англадим. Бу – менинг илк операциям эди. Ўшанда бироз иккиланганимда ёки кечикканимда аёлни сақлаб қололмасдик.

Кейинчалик биз оиламиз билан Нукусга кўчиб келдик ва мен 21-кичик туманда участка акушер-гинеколог бўлиб ишлай бошладим. Эринмасдан уйма-уй юриб ҳомиладор аёлларни аниқлар, лозим бўлса шу жойнинг ўзида таҳлил олардим. У пайтларда ҳомиладор аёллар поликлиникаларга боришавермас эди. Шу боис ўзим назорат қилардим. Ишимга шунчалик масъулият билан ёндашганманки, менинг ҳудудимда 80 фоиз ҳомиладорларнинг саломатлик даражаси туғуруқча аниқ эди. Шундан бўлса керак, йиғилишларда доим мақтов эшитганман.

Ҳаётимда қизиқ воқеалар кўп бўлган. 1979 йили стационарга, шаҳар туғуруқ уйига ўтишим керак бўлди. Шунда раҳбарларга: “Мен ё участка шифокори бўлиб ишлай ёки бўлмаса аёллар шифокори бўлай, битта ишни мукамал, аъло даражада бажаришни хоҳлайман!” деб шарт қўйдим. Аммо нимагадир таклифимни инобатга олишмади. Шунда ишдан кетишга қарор қилдим ва қароримни

айтдим. Кейингина рози бўлишди. Шунда ҳам туғуруқдан кейинги бўлимга юборишди. Энг қизиги, бирор бўлимда мудир бетоб бўлиб қолса ёки бирор ўта масъулиятли ишлар чиқиб қолса, ўшанинг ўрнига мени вақтинча қўйишарди. Кейин эса яна ўз ўрнимга қайтардим. Шундай кезларда аччиғим чиқарди. Ҳозир эса бундан асло афсусланмайман. Балки, мен шу йиллар орасида катта тажриба тўплагандирман, – дейди Онесия Сайтова. – Очиғи, институтдаям, ундан кейинги интернатда давридаям бизга жуда кучли профессор-ўқитувчилар сабоқ берганлиги боис нафақат мен, балки ўша пайтдаги битирувчилардан кўпгина билимли ва таниқли шифокорлар етишиб чиққан. Бунинг учун Касакин Сергей Алексеевич, Коротко, Марден Штейн, Собил, Ольга Ефимова, Елена Ким, Светлана Якубовская каби устозларимдан бир умрга қарздорман. Улар берган пухта билим ҳаётимда ўз йўлимни топишимда муҳим роль ўйнади...

Йиллар ўз сўзини айтади, албатта. Бу орада катта тажриба ва малака орттирган шифокор меҳнатда тобланиб бораверди. Натижада малакали мутахассис бўлиб етишди, 1-тоифали шифокорга айланди.

Меҳнатқашлиги ва керак пайтда тўғри қарорлар қабул қилиши билан ҳурмат қозонди, муҳими, қўли енгил дояга айланди.

1985 йили Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош акушер-гинеколог вазифасидаги фаолияти давомида Эллиқалъа, Беруний, Шўманой, Хўжайли туманларида туғуруқ бўлимлари очилишида бевосита ташаббус кўрсатган. Иш қайнаган паллалар, республика бўйича реанимация гематология акушерлик бригадаси ташкил этилишида ҳам бош-қош бўлган эди.

– 1992-94 йиллар. Республика туғуруқхонасида бош шифокорлик пайтим эди. Қораўзақдан чақирув бўлди. Соат тунги учлар эди. Ҳаммаёқни қор қоплаган, йўллар сирпанчиқ бўлганидан манзилимизга яқин қолганда машина тойиб, издан чиқиб кетди. Қўлимда бемор учун олиб чиққан захира қон-плазма бор эди. Машина у ёқдан-бу ёққа сирғалар ва биз ҳам машина ичи-



Бор имкониятни ишга солиб, аёлни операция йўли билан тугдириб олдим. Ўғил фарзанд эди.

да бориб келардик. Плазма ерга тушиб кетмаслиги учун уни маҳкам қучоқлаб олганман. У пайтда плазмани асрайдиган махсус идиш бўлмаган. Бир амаллаб машина секинлади ва мен йўловчи машинага чиқиб етиб бордим. Вақтни бой бермасдан операция йўли билан чақалоқни ҳам, онани ҳам сақлаб қолдик. Чақирувдан келсак, ҳамкасблар дарвоза олдига чиқиб қарши олишди. Уларнинг кўзларидаги қўрқув ва, айна дамда, қувонч ёшларини кўриб биз ҳам йиғлаб юборгандик. Буни қаранг, ёмон хабар тез тарқаларкан, автоҳалокатга учраганимиз хабари аллақачон етиб келган экан. Шу воқеа сабабми, балки, кейинчалик Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб туғуруқхона ичида қон қуйиш бўлими очилиб, шу ернинг ўзида СЗП, Эрмесе йўлга қўйилди. Мутахассислар қайта ўқитилиб, ишга туширилди. Бу шифокорлар ва беморлар учун ҳам катта имконият бўлиб, вақтимиз тежаларди. Бўлмаса, керак нарсаларни бошқа бўлимга бориб олиб келардик, – деди Онесия Сайтова ўша дамларни ёдга олиб.

Табиатан меҳнаткаш, чўрткесар, масъулиятни биринчи ўринга қўювчи шифокор, фаолияти давомида қанчадан-қанча оилаларга қувонч улашди, қанчадан-қанча чақалоқларга доялик қилди. Санаб саноғига ҳам етолмайди. Қўли енгил доя сифатида доврўқ қозонган Онесия опа туғуруқ бўлими бўладими, чақирув бўладими, ҳатто уйма-уй юриб ҳомиладорликни аниқлаб, уларга тўғри ташхис қўйишдаги жараёндами, қандай шароит ва қандай лавозимда ишламасин, ўз касбига садоқат билан ёндашади. Шифокорлик касбини ҳамма нарсадан олдинги ўринга қўйганлиги боис унинг навбатчилик пайтида бирорта ўлим холати аниқланмаган.

Аёл боши билан тунни тонгга улаб, сув кечиб, овул оралаб, чирокдами, фонусдами, ёмғиру дўлдами, фарқи йўқ, заҳмат чекиб меҳнат қилганди.

“Меҳнат қилган элда азиз” деганларидек, меҳнатлари кадр топди. 1997 йил мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвони билан тақдирланди. Чекка овул поликлиника шифокоридан вазирликда акушер-гинекологгача, Республика туғуруқ уйи гинекология бўлими мудиридан Республика туғуруқ уйи бош шифокоригача поғонама-поғона фаолият юритиб келаётган шифокор аёл бугунги кунда етмиш ёшдан ошган бўлсалар-да, ғайратда ёшлардан қолишмайди. У айна пайтда Қорақалпоғистон республикаси ҳудудий перинатал марказида шифокор-ординатор бўлиб ишлайди. Бугунгача кўпгина шогирдларга ўз касбининг сир-асрорларини эринмай ўргатиб келмоқда. Ойпара Наубетова, Илья Исақулова, Мурод Низомаддинов сингари шогирдлари бугун масъул лавозимларда фаолият олиб боришади.

Опа фаолияти давомида кўпгина ҳодисаларга гувоҳ бўлган. Шундан у киши билан ҳамсуҳбат бўлган одам асло зерикмайди.

– 1987 йил эди. Шўмонойдан чақирув бўлди. Махсус санавиацияда бордик. Аҳвол ниҳоятда жиддий, бемор хушсиз, чақалоқнинг боши чаноқдан катта, боланинг табиий йўл билан туғилиши қийин бўляпти. Бундан олдинги фарзанди худди шу ҳолатда нобуд бўлган экан. Бор имкониятни ишга солиб, аёлни операция йўли билан тугдириб олдим. Ўғил фарзанд эди. Йиллар ўтди. Бир куни ўша аёлнинг эри бизни ахтариб, уйимизга келибди. Мен ишдаман. Туғуруқ бор. Сира илож йўқ кетишга. Телефонда гаплашдим. Йигит қайта-қайта миннатдорчилик билдирыпти. Ишдан уйга келсам, тўрда исмим ёзилган чиройликкина туркман гиламчаси турибди. Ҳайрон бўлдим. Хўжайинимдан сўрасам, мени роса ахтарганини, уйимизни аранг топиб келганини гапириб, қўярда-қўймай ташлаб кетганини айтди. Йигитнинг онаси бу гиламни неча йиллар атайлаб мен учун тўқиганлигини айтиб, “агар қайтариб олиб кетсам, ойим хафа бўладилар”, дея ташлаб кетган экан. Буни кадр дейдилар, бунақа кадрга оёқ қўйиш қийин. Йигитчанинг излаб чарчаганида жон бор. Бу йиллар мобайнида биз неча бор кўчдик, Аввал ижарада яшадик, кейинчалик маблаг йиғиб жой олдик...

...Бугун хотираларини кулиб эслаб ўтиргани билан унинг ҳаёти осон ўтмаганини, доим икки йўл ўртасидаги аёл хатар, таваккал, умид билан ёнма-ён яшаганлигини сочларидаги оқ, чехрасидаги йиллар солган излар айтиб турибди.

Тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, етти нафар неваранинг сеvimли бувиси бўлмиш Онесия Сайтова оиласидан кўнгли тўлган ҳолда ҳар тонгда ишга отланаркан, келаётган кундан кетганидан ҳам кўпроқ тинчлик, осойишталик, тўқинлик кутади.

Фотима АБДУРАИМОВА,
Нукус шахри.

Шарқнинг биллур ОВОЗИ

Бу биллурдек тоза, булоқ сувларидек тиниқ, қаергача етса, етган нуқталарини жаранглатиб юборадиган соҳир овознинг эгаси ким, дея ўйламайсиз. Юрагингизни кенгликларга тўлдирадиган бу нафас, руҳиятингизни юксакликка кўтарадиган бу қадим, жонбахш оҳанглар ҳам қайси дунёларда яшаётган кўнгиш, қандай маконларнинг куйчиси эканлигига ҳам айнан шу лаҳзаларда қизиқмайсиз. Фақат товушингиз кўтарса, товушингиз билан, етмаса қалбингиз билан унга жўр бўласиз:

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади...*

Куйлаб, куйлаб, сел бўлиб, бутун борлигингиз билан “Муножот” нинг бир парчасига айланганингиздан сўнггина сизни бир неча сония бу дунё ташвишларидан узган, ўзингизга кўксингизда юрак борлигини билдирган, унинг куйлаб куймоқ лаҳзалари нечоғлик хузурбахш эканлигини сездирган, шу сезги боис ҳаётни севдирган хонанданинг исми тилга келади. Ва бу исми ҳеч ким адаштирмайди. “Балли, Муножатхон”, деган олқиш тилдан учади. Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевани илк бор мухлисларига сеvimли қилган, ҳазрат Навоий сўзи билан айтиладиган “Муножот” ашуласини тинглаган бетакрор дамларимизнинг ҳаяжонлари фақат ўша онларда эмас, ҳофизани қачон эшитсак, такрорланади. Санъаткор маромига етказиб ижро қилган “Сараҳбори Дугоҳ”, “Талқини Ушшоқ”, “Сафти Чоргоҳ”, “Гиря” каби мақом ашулалари дейсизми, “Эй дилбари жононим”, “Ишқинг ўтиға”, каби катта ашулалар дейсизми ё “Тановор”, “Излайман” каби халқ ашулалари бўладими, тингловчини ўзи яшаётган оламдан бошқа яна бир олам борлигига ишонтиради. Назаримизда, Муножатхоним куйлайдиган томошагоҳларга мухлислар ана шу олам соғинчи билан талпинадилар. Биз ўзимиз бир неча марта “Истиклол”, “Туркистон” каби муҳташам саройларда ҳофизамиз концерт берганларида мухлислар қиёфасида ана шу соғинч сувратини кўрганмиз. Буни мумтоз ашулалар руҳиятидаги поклик деймизми ёки оҳанглардаги улуғворлик атаймизми, ёхуд сўзларидаги чин муҳаббатнинг оташими, ҳарна бўлгандаям, буларни ўзлаштирмоқ, овозига сингдирмоқ, бутун жисму жондан ўтказиб яна томошабинларга етказмоқ учун битта овознинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун хонанда ўша оҳанглар ичида яшамоғи керак.

Бобурийлар юрти бўлган Андижоннинг сўлим Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган Муножатхон қарийб қирқ йиллардан буён шу ҳайратлар дунёсида яшайди, шу дунёнинг тоза ҳавосидан нафас олади, орзу-армонлари, қувонч-ташвишлари шу дунёга туташ. Уни гоҳ ҳаётнинг ўсиб-ундиргувчиси бўлган дарёга, гоҳ ташналикка дармон бўлгувчи булоққа қиёслайдилар. Дарёнинг ўзани, булоқнинг ҳам кўзини очгувчиси бўлгани-



дек, ҳофизанинг ҳам санъат йўллари бошланмаси бор. Бу ҳақида Муножатхоним “она” деганида онадай меҳрланиб, “ота” деганида отадай салобатланиб сўзлайди:

– Аслида санъаткорлик менга онамдан ўтган бўлса керак. Бетакрор овози бор эди. Онам хиргойи қилганда борлиқ тин олиб уларни тингларди гўё. Шу боис мендан кейинги укам, кенжа синглим – оилада кўпчилигимиз санъатга ошуфта бўлиб улғайдик. Оддийгина оилавий йиғинимиз ҳам куй-қўшиққа уланиб кетарди. Отам қаттиққўл бўлгани билан биз қўшиқ айтиб яйрасак, жўр овоз бўлардилар. Уруш йиллари тугаб, тинчлик замонлари келган даврда онамдаги иқтидорни сезган қишлоғимиз фидойилари санъат йўлидан боришга ундашган, аммо оталари – бобом рухсат бермаган эканлар. Онам доим армон билан гапирардилар. Болалигимдан куй-навога меҳрим тушганидан радио ёки телевизорда бирор яхши қўшиқ эшитсам, сўзларини ёзиб олиб ёдлашга тушардим. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг ижодини жуда яхши кўрардим. Ҳатто, ўқишга имтиҳон топшираётган пайтимда ҳам “Она юртим” деб номланган қўшиқларини айтиб синовдан “аъло” баҳолар билан ўтганман. Қўшиқдаги:

*Оламаро юртларнинг энг аълоси,
Она юртим, хуснингни мен шайдоси,
Бахтиёрман муҳаббатинг қозонсам,*

Шудир бахтим, шудир қалбим маъноси, – каби ўтли сатрлар қалбимга муҳрланиб қолган. Шу сатрлар билан кўнглимда Ватан уйғонган, назаримда.

Ўсмир пайтимизда телеэкранларда “Марҳабо, талантлар”, “Куйланг, ёш хонандалар” каби мусиқий дастурлар бор эди. Онам ҳар доим дастур якунида “Ота-онангга балли, ана овоз, ана талант”, деб ҳавас қилиб дуога қўл очардилар. Мен эса пайтдан фойдаланиб: “Онажон, бир умр армон билан ўтпасиз. Мен ҳам сиздек бўлмаслигим учун отамни кўндиринг, санъаткор бўлмоқчиман. Ота-онангга балли, деб сизларга ҳам ҳамма дуо қилади”, деб ёлворардим. Бир куни уйимизга Абдуллажон тоғам меҳмон бўлиб келди. Тоғам санъатнинг нонини еган, захматини бошидан ўтказган инсон эди. Мулоҳазали, ориятли бўлгани учун у кишини дадам жуда ҳурмат қиларди. Дадамга: “Муножатга оқ фотиҳа беринг, санъат йўлини танлабди, йўллари равон бўлсин. Ҳамма санъаткор ҳам сиз ўйлагандек эмас. Мумтоз қўшиқлар ижрочиси бўлса бошида дўппи, эгнида чопони билан эл орасига киради. Худо хоҳласа, юзимизни ерга қаратмайди”, деди. Отамнинг розилик бериши осон бўлмади. Тонг отгунча суҳбат, тортишув давом этди. Оқ фотиҳаларини олгач, эртасигаёқ Тошкентга йўлга



чиқдик. Ота рози – Худо рози, деган нақл чин экан. Отам раҳматли ҳар ишда ёнимда бўлди. Елкадош бўлиб оёққа туришимда устозларим қаторида қувват бўлдилар. Улуғ санъаткорлар, бағри дарё устозлар раҳнамолигида Муножат Йўлчиева бўлиб дунёга танилдим.

Бир даста китоб, орасига райҳонлар солинган икки-уч сидра кийим билан билим олиш илинжи, катта саҳналарга чиқиш истагида отланган қишлоқ кизининг йўллари бир кун келиб дунёнинг мухташам саройларига тутшиб кетиши ўшанда кимнинг хаёлот дунёсига сиғибди? Кўкракбурма атлас кўйлак кийиб, сочларини қирққокил ўрган новдадеккина хилқатнинг имконида Ўзбекистон номи, она тилимиз сўзлари, аждодларимиздан ёдгор наволар билан ярим жаҳонни мафтун этиш қудрати мавжуд, деган башоратни ким қилибди? Шундай деяпмиз-у, аслида Муножат Йўлчиевадаги ноёб истеъдодни уни мамнуният билан Тошкент давлат консерваториясига (ўша пайтда шундай аталарди) қабул қилган устозлари ҳам сезишган эди. Айниқса, танглайи куй – наво билан кўтарилган, санъаткорлар оиласининг фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаевнинг ёш ҳофизага ихлос, ишончи бошқача бўлди. У устозлигининг илк паллалариданоқ Муножатга жуда машаққатли йўлга қадам қўяётганини уқдирди. “Мақом йўлида куйлаш, мумтоз ашулаларга эгалик қилиш – бу бир умр шу куй-ашулаларни яратган, сайқал берган, бугунгача қалбида дуру жавохирлардек асраб етказиб келган тийнати, сийрати пок инсонларга садоқат кўрсатиш, дегани, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этиш, дегани. Бу йўл ёлғонни кўтармайди, хиёнатни сингдирмайди. Айтганларимнинг ҳаммасига меҳнат ва яна меҳнат орқасидангина эришиш мумкин”. Устози мумтоз санъатни таърифлаш баробарида шогирдига ишонди ҳам. Агар ишончи бўлмаганда уни талабалигидаёқ катта саҳналарга олиб чиқмасди. Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 539 йиллик



тантаналари кечаётган ажойиб кунлар... Бу кунлар Муножат Йўлчиевнинг шон-шухратга тўла таржимаи ҳолининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. У устози раҳбарлигида Алишер Навоий асарлари гулдастаси бўлган “Назм ва наво” оқшомида “Муножат”, “Ушшоқ” ашулалари билан иштирок этди. Халқимиз бу ашулаларни бир неча асрлардан буён турли ҳофизлар ижросида севиб тинглаб келади. Ҳа, айнан севиб эшитади ва ҳеч қачон зерикмайди. Чунки ҳар санъаткор ўзидан аввалги ижролардан узоқлашмаган ҳолда бу ноёб асарни ўзиники қилиш учун нимадир кашф қилади. Балки, бу овоздаги титрамадир, балки нолаларидаги тўлқиндир... Ҳар ҳолда, ёш хонанда ўша унутилмас “Назм ва наво” кечасида ўзининг санъат оламига кириб келганлигини билдирди. Куйга, навога ошуфта қалбларда ҳайрат, умид уйғотди.

– Бўғзида кўнғироғи борми бу кизнинг... Қанча кўйиб юборса шунча кетяпти-я овози...

– Худо берган-да, худо берган...

Айтгучилар ҳақ эди. Булоқбошининг зилол сувларидан ичиб, адирларининг шабадалари билан қувлашмачоқ ўйнаб улғайган бу кизга Худойимнинг бергани рост эди. Аммо азал яралмишдан берилгани билан қолиб кетганида Муножат Муножат бўлиб довруқ қозонмасди. Ўшанда 1980 йил апрель ойи эди. Ҳали тайёрлов босқичи талабаси бўлган Муножатни Ўзбекистон давлат телерадио эшиттиришлари кўмитаси қошидаги мақомчилар ансамблига ишга таклиф қилишади. Шу билан хонанданинг машаққатли, беоромликлардан ҳаловат, шухрат топиб яшаган меҳнатли кунлари бошланди. 1982 йилдан 2013 йилга қадар Ўзбек давлат филармониясида яккахон хонанда бўлган кезларда унинг янги қирралари намоян бўлди. Ҳофиза кимсан Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Нодирабегим, Ҳазиний, Ҳувайдо, Чустий каби алломаи давронларнинг, сўз заргарларининг ғазалларини куйлай бошлади. Уларнинг ҳар бир байтидаги маъно-мазмунни англаш учун соатлаб луғат билан ишлаш керак бўлади. Ахир, баъзан биттагина товуш алмашса, сўзнинг моҳияти буткул ўзгариб кетиши мумкин. Қолаверса, бу ўтли ғазалларнинг куй билан уйғунлигини асраш энг

моҳир созандалар яратган, энг уста созандалар сайқал берган мумтоз куйларга ўз овозини ростлаш... Булар шунчаки машқлар эмас эди. Қалб билан, юрак билан юриб ўтиладиган йўллар эди. Муножат Йўлчиева бу гоҳ тошли, гоҳ равон йўлларнинг содиқ, тинимсиз, чарчамас йўловчиси бўлди. Бир куни келиб бу йўллар юртимиз сарҳадларидан ошиб ўтди. Англия, Америка, Германия, Япония, Белгия, Голландия, Испания, Марокко, Тунис, Австрия, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Англия... Ҳофиза мумтоз ашулалардан иборат дастурлари билан иштирок этган давлатларнинг ўзини санашга бармоқ етмайди. Франция давлати эса Муножат Йўлчиева ҳаёт китобининг энг гўзал саҳифаларидан бирини ташкил этади. Француз матбуоти ўтган аср охирларидаёқ унинг овозига “Марказий Осиёнинг бетакрор овози”, дея таъриф берган эди. У етти иқлимга донғи кетган Парижнинг “Де ля Виль” театрида концерт берганида мақом ашулалари оҳангларига тебраниб ўтирган шинавандаларга кўзи тушиб, санъат миллатни, мамлакатни жаҳонга танитишнинг энг яқин йўллари билан бири эканлигини англаган эди. Чунки дунё халқлари хонанданинг “Шашмақом” йўлидаги ёки халқ куйи билан айтиладиган ашулаларини тинглаб экан, бундай ноёб наволарни яратган халқнинг истеъдодини ҳам танийди, тан олади. Кўнглидан бир марта бўлсам “Дунёнинг бир бурчагида Ўзбекистон деган кўёшли бир юрт, унинг камалак ранг либосли, қирқ кокилли қизлари ва юракка ўт ташлайдиган куй-ашулалари бор”, деган фикр ўтади.

Фикрлар ишга кўчди. 1991 йилда Американинг “Осиё жамияти” Муножат Йўлчиева ижро этган ашулалар ва созанда Турғун Алиматов ижро этган куйларни тўплаб, аудиокассета чиқаришди. Франциянинг “Окора” фирмаси ҳофизанинг якка ўзи куйлаган мумтоз ашулаларни компакт дискка жамлади. 1997 йилда Германиянинг “Нетворк” фирмаси энг замонавий техникалари воситасида иккинчи бор хонанданинг ашулаларидан ўз халқига гулдаста тақдим қилди. Бундай тақдимотлар дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида такрорланди. Муножат Йўлчиева бу эҳтиромларни мумтоз ашулаларимиз, уни кашф қилган, авлодлардан-авлодларга етказган устоз санъаткорларга, қолаверса шундай таланти фарзандларга она бўлган Ватанимизга бўлган ҳурмат сифатида қабул қилди. Назаримизда, унинг йўллари тобора кенгайиб бораётганининг бир илдизи истеъдод, бир илдизи заҳматда бўлса, яна бир илдизи

камтарлигидадир. Чунки хонанда қаерда ижоди ҳақида сўз очилса, аввал устозлари раҳматли Муҳаммаджон Мирзаев, ундан сўнг у кишининг фарзанди аржумандлари, бугун саксонни қоралаганда ҳам кўлидан торни қўймаган Шавкат Мирзаевни иззат билан тилга олади. Аслини олганда, Муножатхонимнинг ўзи устозлик мақомига етганига анча пайт бўлди. У узоқ йиллардан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш истеъдодлар билан бирга ишлайди. 2019 йилда эса профессор унвонига эга бўлди. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Мамлакат Улашева, “Ниҳол” мукофоти соҳибалари Гулмира Ахатова, Адолат Қўлдошева каби қатор ёш ижрочилар эришган муваффақиятларда Муножат Йўлчиеванинг катта ҳиссаси бор. Хонандага кўпинча шундай савол беришади:

– Юртбошимизнинг мақом санъатига бўлган эътибори боис ишларингиз яна кўпайди. Янги ташкил этилган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида дарс беряпсиз. Бир неча халқаро ва республика миқёсидаги танловларда ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этасиз. Шаҳрисабзда ўтган халқаро мақом фестивали хулосалари ўларок, ҳозир барча санъат билим даргоҳларида анъанавий ижрочилик йўналишлари ташкил қилинган, уларда маҳорат дарслари ўтасиз. Боз устига, турли саналар муносабати билан ўтказилаётган давлат тадбирларида ҳам фаолсиз.



• Сизни доим руҳан бақувват, ишчан қиёфада кўрамиз.

• Бунинг сири нимада?

• Муножатхоним эса ҳар доимгидек вазмин овозда жавоб қилади.

• – Бизга тўрт мучамиз, ақлу тафаккуримиз, қиёфамиз, қалбимиз, қолаверса, истеъдодимиз Оллоҳдан яхшилиқларга, инсонларнинг яхши кунларига яраш учун омонатга берилган. Бизнингча, ҳар бир киши кун сўнгида ўзи билан ўзи юзма-юз келиши ва “Мен бугун ўзимга берилган имконнинг қанчасини эзгу ишларга сарфладим?” дея сўраши керак. Саволига ижобий жавоб олган инсон борки, эртанги тонгда кучли бўлиб, яна чиройли амалларга шайланиб, ёруғ ниятларни дилига тугиб уйғонади. Тақдир менга шундай тонглари кўплаб инъом этган бўлса керак. Ҳарҳолда куйлаб ҳам, ўрганиб, ўргатиб ҳам толиқиш эмас, роҳат оламан.

• Одатда, жаҳоннинг баъзи мамлакатларида бу даражада баланд мавқега эришган аёллар эркин яшашни ихтиёр этишади. Оилага боғланишни юксалиш йўлидаги тўсиқ, деб билишади. Муножат Йўлчиева Шарқнинг нодир, биллур овози бўлгани каби Шарқ аёли, онаси бўлиб яшаб келаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. У Ширмонбулоқнинг барча қизлари каби ота-она ризолиги билан турмуш қурди. Бир аёл, бир она ўз оиласи учун қанча ҳарорат, муҳаббат берса, у ҳам шу ўлчовдан чиқмади. Икки ўғил ўстирди, ўстирганда ҳам онасига қанот, жамиятга таянч бўладиган қилиб камолга етказди. Бугун Музаффаржоннинг ҳам, Шухратжоннинг ҳам касбу коридан топаётган иззат-обрўси онага фахру гурур бағишлайди. Муножатхоним келинлари кўлидан чой ичиб, қайноналик мақомида бир роҳатланса, жажжи невараларининг қалдирғочдек чуғур-чуғурларидан яна кўпроқ ором олади.

• Кимнидир таърифламоқчи бўлсанг, бир-икки сифатини айтасан-у, уёғига тараддудланасан. Аммо баъзи замондошларимиз борки, қай бир қиррасидан гапирмоқчи бўлсанг, сўзларинг қуюлиб келади. Таниқли санъаткор “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалларида бир неча марта ҳайъат аъзоси бўлганида ёки жаҳон миқёсидаги нуфузли танловлар иштирокчиси бўлганида ҳам, бу анжуманларни фақат санъат дурдоналаримизни намойиш қилиш майдони деб билмайди, балки бу дурдоналарнинг моҳиятини тарғибот қилишнинг қулай имкони, деб билади. Куйлаганда куйи қалбларни уйғотадиган ўзбек санъатининг борар йўлларини яна ва яна узайтиргиси келади.

• Биз билан бирга сатрма-сатр келаётган ўқувчимиз Муножат Йўлчиеванинг чинакам мухлиси бўлса, унинг ҳозирги ҳолатини ҳис қиляпман. Унинг ашула эшитгиси, сел бўлгиси келяпти. Тингланг, халқимизнинг сеvimли санъаткори куйляпти... Жўр бўлинг, қадим халқимизнинг умрбоқий оҳанглари, жаранглари билан қалбингизда илоҳий ишққа, унинг қудратига чексиз муҳаббат уйғонсин!

• *Қаро кўзим келу мардумлив эмди фан қилгил,*

• *Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил...*

• **Зулфия МҰМИНОВА,**

• *“Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси.*



Муҳтарама УЛУҒОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази масъул ходими

ЭНГ ЧИРОЙЛИ БАХТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 31 декабрда 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Қарорда тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни мамлакатимиз ёш авлоди тарбиясига тамоман янгича ёндашув деб айтиш мумкин. Чунки шу пайтгача навқирон авлод тарбияси даврлар (болалик, ўсмирлик, ёшлик, камолот фасли)га бўлиниб, бу даврлар учун алоҳида-алоҳида илмий-амалий адабиётлар ёзилган, ҳар бир давр вакиллари тарбиясига масъул бўлган ота-она, ўқитувчи, устозлар ҳам ўз вазифаю машғулотлари чегарасини қатъий белгилаб олишган эди. Ҳолбуки, оддий ниҳолнинг кўркми, чиройли бўлиб ўсиши, сархил мевалар бериши унинг қандай ерга экилгани, қандай парвариш қилингани, қандай озуқалар билан қувватлантирилгани ва бу ишлар ўз вақтида, изчил, бир-бири билан боғлиқ равишда бири иккинчисини тўлдириб давом эттирилганига боғлиқ.

Ёш авлодда мустақил ҳаёт учун зарур бўладиган ижтимоий кўникма ва фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шалланттириш асосида юксак фазилатли, баркамол авлодни вояга етказишни асо-

сий мақсад қилиб белгилаган тўрт босқичдан иборат Концепциянинг биринчи босқичи онанинг фарзандга ҳомиладорлик давридан бола дунёга келиб уч ёшга тўлгунча бўлган йилларни ўз ичига олади. Бу давр иккига: ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейин 3 ёшгача бўлган даврга бўлинади; тарбия учун масъуллар сифатида ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ўзaro самарали ҳамкорлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Аввало, ҳомиладорлик даврига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ҳали дунёга келмаган зурриётнинг-да маънавий тарбияга муҳтож экани, унинг ота-онаси ва жамият бу ҳақда ҳали у олам юзини кўрмасдан туриб ғамхўрлик қилишини таъминлаш зарурлиги давлатимиз томонидан эътироф этилиши, бу ишни давлат сиёсати даражасида кўриб амалий чоралар белгиланиши – бугун ва истиқболга дохил улуг қадим. Ҳақиқатан ҳам, бола 3 ёшигача асосан ота-онаси, шу билан бирга, жуда кўп ўзбек хонадонларида бобосию бувиси, амакисию аммалари орасида яшайди, илк кўникмаларга эга бўлади. Замонавий руҳиятшунослик бола ҳали дунёга келмасидан бошлаб оила муҳитини ҳис этиши, ундан таъсирланишини илмий асосда таъкидлайди. Аслида, бизнинг халқимиз учун бу фикр янгилик эмас. Момоларимиз ҳомиладор аёлнинг ташландиқ, кўрқинчли жойларда, қоронғу тушганда ёлғиз юришига йўл қўймаганлар. Оғироёқ онага тинчлик-осойишталик яратиш, чиройли жойлар ва нарсаларни кўрсатиш, мулоим муносабатда бўлиш, оқибати хайрли воқеалар ҳақида сўзлашни, иложи борича кўнгли тусаган таом-емакни муҳайё қилишни маслаҳат берганлари бежиз эмас.

Фарғонанинг Ёзёвонидан Республика халқ маориф аълочиси Ўктамхон Солиева шундай хат ёзибди: “Қуйидаги воқеани ўқиган, эшитганлар унинг тўқиб чиқарилмагани, ҳаётий эканига ишонишлари учун исми фамилиямни яширмайман. Бундан уч йил олдин қизим ҳомиладор бўлди-ю, ҳамма жуда мақтайдиган қимматбаҳо атиримнинг ҳидини ёқтирмай қолди. Учрашганимизда кўришар-кўришмас мендан узоқлашар, шу атирни сепмаслигимни илтимос қиларди. Мен бу ҳомиладорларда бўладиган инжикликлардан бири деб ўйладим, атирни ишлатавердим. Бир сафар анча муддат ўтиб кўришдик, қизим узоқдан “Аяжон!” деб қувонч билан ёнимга келди-ю... “Яна сепдингизми?” деб тўхтаб қолди. Ўша ердаги дарахтга суянди, қарасам, ранги ҳам оқариб кетгандек. Ўшандан кейин севимли атиримни шкаф тоқчасининг бир чеккасига суриб, фойдаланмай қўйдим.

Сал ўтмай қизим фарзандли бўлди, учинчи қизча дунёга келди. Шундан кейин... қизим бир куни шкафимдан ҳалиги атирни топиб олибди. “Аяжон, мана бу атирнинг ҳиди мунча ёқимли”, – деб кўтариб чиқди. Мен кулдим, қаранг, ҳомиладорликнинг ўзига хос сир-синоати-да, энди унга атирнинг ҳиди жуда ёқиб турибди!

Айтмоқчи бўлган гапим бутунлай бошқа: қизимнинг чақалоғи ойлар сайин атрофидигиларни таниб, уларга кулиб талпинадиган бўлди. Фақат мени кўрганда бирдан ҳурпайиб, онасига маҳкам ёпишиб оларди. Нимадир узатсам, тескари қарайди, уни мажбуран қўлимга олиб кўтармоқчи бўлсам, юзимга ҳам қарамайди. Бир, бир ярим ёшга кирди, ҳеч ўзгармайди. Бошқа набираларим мени кўришган заҳоти югуриб келишади, кучоғимни, елкамни, қўлларимни таллашишади, лекин фақат шу қизгина мени ёқтирмайди. Қизим: “Аяжон, ҳомиладорлик пайтимда сизнинг атирингиздан кўнглим беҳузур бўлгани, унинг ҳидидан ёмон қийналганимни набирангиз қорнимда туриб билганмикин?” – дейди. Мен ўзим ҳам шундаймикин, деб ўйладим. Бошқаларга ибрат бўлсин, деган мақсадда ёздим”.

Тасаввур қилинг: ҳамма билан бир дастурхонда бинойидек овқатланиб ўйнаб-кулиб юрган келин ҳомиладор бўлди-ю, тансиқ мева егиси келиб қолди, кўпроқ ухлайди, қай бир хидлардан беҳаловат бўлади... Билингки, бу – унинг эрка-тантқиқлигидан эмас, вужудида уйғонган зурриётингизнинг талаби, соғлом улғайиш учун эҳтиёжидан. Айни мавзуда гап кетса, кўпчилик бу фикрни тасдиқлайди. Аммо амалда... Туманлардан бирида оиласи бузилган ёш келин гапириб берди: “Тўрт ойлик ҳомилам бор эди. Қайнонам томорқадаги ёмғирдан кейин ивиб ётган маккапояни йиғиштириб, боғлаб, томга босиб қўйишни буюрдилар. Дам олиш куни эди, телевизор кўриб ўтирган эримга: “Юринг, бирга...” деганимни биламан, қайнонам: “Ўғлим ўзи бир кунгина дам олади”, деб ўғилларига “ўтир” ишорасини қилдилар. Ўзим ҳамма маккани ўрдим, йиғдим, нарвондан томга ташидим. Эртасига эрталаб ҳовли лой бўлгани учун икки яшар қизимни кўтариб ташқарига олиб чиқаётгандим, белимда қаттиқ оғриқ турди... Ҳомилам тушиб қолди”.

Бу каби бемехрликлардан бўлажак онанинг дили оғриб, асаблари таранглашиб ёки бўшашиб, айни ҳолати унинг соғлигига таъсир этса, демакки, бу асорат ҳомилани ҳам четлаб ўтмайди. Жамиятимизнинг аччиқ му-

Зурриётларингга қадрли, эъзозли бўлиш, аввало, ўзинг уларни қадрлаб эъзозла- шингдан бошланаркан-да!

аммоларидан бўлган оилавий ажримларнинг сабаблари орасида қайнона-келин, қайнопаю қайнсингилларнинг келишмовчиликлари ҳам салмоқли ўрин тутади. Бу борада кўпчилик куёв-эрларнинг икки томонни тенг тарозу қилиб келиштириб яшаш қобилятидан мосуво эканликлари – алоҳида ва катта мавзу. Ажабланарлиси, бошидан ҳомиладорликни кечирган бўлса-да, айрим қайнонаю қайнопа-лар, овсинларнинг ҳомиладор келин аҳволини билиб туриб билмасликка, тушуниб туриб тушунмасликка олишлари, юмшоқ қилиб айтганда, бераҳмлиқ, инсонийликдан эмас. Бундай шароитда келиннинг ўзигина эмас, унинг бағрида онаси билан бир жон-бир тан бўлиб ётган ҳомиласи ҳам гам, изтироб, руҳий қийинчиликларга шерик бўлади. Мутахассислар илмий кузатишлар даврида ҳомиладор аёлнинг олдига ширинсўз, меҳрибон одам келса ҳомиланинг яйраб, осойишта ҳаракатда бўлганини ва аксинча, онани ранжитадиган одамнинг овози эшитилган заҳоти нотинч бўлиб асабийлашганини кузатишган, демак, ҳомила овозларни фарқлашни билади, танийди. Шундай бўлгач, ҳомиладор келинидан ой-ойлаб норози бўладиган, уни тинмай уришадиган, жеркийдиган қайноналар кейинчалик набираларидан ўзлари истагандек меҳр-оқибат кўрмасалар... Худо сақласин! Зурриётларингга қадрли, эъзозли бўлиш, аввало, ўзинг уларни қадрлаб эъзозлашингдан бошланаркан-да!

Интернет тармоғида бир ажойиб лавҳа кўрдим: қиш куни кичкина қуш темир қувурга кўнди-ю, оёқчалари ўша заҳоти темирга ёпишиб қолди. У қанотларини пириллатди, лекин учолмади. Шу пайт бир қўл пайдо бўлиб худди она гўдагини бағрига маҳкам босган каби қушчанинг вужудини кафтига олди. Аввалига безовта бўлган қушча сал фурсатда баданига ўтган ҳароратни ҳис этдими, тинчланди. Қўл қушчани бир муддат иситгандан кейин “куҳ-куҳ”лаб унинг оёқчалари ёпишиб қолган музни эрита бошлади. Ва сал ўтмай митти жон “чирик-чирик”лаганича учди-кетди. Унинг хурсандлигидан набиралар ҳам чапак чалишди...

Кейинги пайтда ҳали бир ёшга тўлмаган, ҳатто 2-3 ойлик гўдақлар орасида бош миянинг ички босими билан оғриганлар сони кўпайди. Кимлар кичкинагина боласининг тажанглиги, қайсарлиги, йиғлоқилиги, гап уқмаслиги, тили жуда кеч чиқаётгани, сўзларни тиниқ талаффуз этолмаётганидан нолийди. Бу ҳолатлар атрофдигиларни ўйлантиради, асабини эговлайди, ҳатто, жаҳлини чиқаради. Аслида, айни қусурлардан ҳаммадан кўра кўпроқ боланинг ўзи қийналади, шу қусурлари туфайли тенгдошлари билан чиройли мулоқот қилолмайди, ўз қобилятларини намоён этолмайди, ақлий-маънавий ривожланишдан орқада қола-

ди. Бу муаммоларнинг илдизини аввало оилавий муҳитдан излаш керак, мутахассисларнинг фикри ҳам шундай. Аксариятимиз кўпинча ёнгинамизда улгайиб келаётган жигарбандимизнинг ҳис этиш, мушоҳада этиб хулоса чиқариш қобилиятларига деярли эътиборсизмиз. Она қорнидаги болани-ку, кўяверинг.

... Эсдалик дафтаримда қайд этилган сана бўйича мана бу воқеа юз берганда қизчам икки ярим ёшда экан: бир куни айтганимни қилмагани учун қаттиқ уришдим, у ерга қараганча жим тураверди. Шу пайт кўзим тўғридаги токчага терилган кўғирчоқларга тушди-ю, қизчамни янаям изза қилмоқчи бўлиб: “Ана, кичкинагина кўғирчоқлар ҳам сен қилган ишни қилмайди”, – дедим. Қизим, тавба, анчадан буён айтолмаётган дардини тўкиб солишга имкон туғилган каби шартта: “Кўғирчоқларнинг аяси боласини ташлаб ишга кетиб қолмайди!” – деди... Кўзим очилгандек бўлди, биз ҳатто кап-катта боламиз ҳақида ҳам “Қорнини тўйдириб қўйсам, бўлди”, деган хаёлда юрарканмиз. Аслида, уларнинг қалби биз ўйлагандан а-а-анча олдин меҳрли, англовчи, тингловчи, тушунувчи, кўзларига термилувчи қалбимизни излашга бошларкан. Кўзингга ёш қуйилади: қанчалар беғубор, беозор, чиройли, умидбахш, муҳаббатга ташнаю муҳаббати ҳадсиз ва тамасиз болалар – бандаларига Аллоҳнинг бундан ширин, азиз, қадрли неъматни бормикин?!


Дунёга янги келган чақалоқ онанинг оғиз сўтига тўйса, илиги тўқ, жисмонан бакувват бўлади. Аини шу давр атрофида, яъни она қорнидалигидан бошлаб ёруғ оламга кўз очиб, илк қадами, илк сўзлари, илк машғулот-ўйинлари атрофидагиларнинг меҳр-муҳаббати билан рағбатлантирилса, қўллаб-қувватланса, маънавияти тўқ мағизли, бағри бутун, ўзига ишончи мустаҳкам, илму маърифатга ошно шахс бўлиб камол топади, иншааллоҳ. “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепциясининг биринчи босқичида “тарбия учун масъуллар сифатида ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси” кўйилган. Ҳукуратимиз томонидан жуда катта ҳаракат ва ҳаражатлар тикиб бошланган бу хайрли, кутлуғ ишлар кутилган натижалар бериши учун маҳалла фаоллари ҳам алоҳида жонкуярлик, принципиаллик кўрсатишлари, яъни қайнонаю келинларни маиший, майда-чуйда ҳою ҳаваслар, шахсий қизиқишу хоҳишлари “етаги”да эмас, аввало, ўз шажараси ва миллатнинг ҳар жиҳатдан соғлом янги вакилларини тарбиялаш, вояга етказиш орзуси, ҳаракатида яшасалар, шу меҳнатларининг ширин меваларидан биргаликда баҳраманд бўлсалар, бундан чиройли бахт борми?

Яхши одамлар

Бу – ер юзида яшаб ўтган энг яхши инсонлардан бирининг сурати. У жуда кўп одамларга ёрдам берган. Бироқ кўпчилик уни танимайди.

Абдул Саттор Эдхи 1928 йилда Гужаратда туғилган. У инсульт туфайли шол бўлиб қолган онасини парвариш қила бошлаганда эндигина 11 ёшда эди.

У тўшақка михланиб ётган онасига ширин таомлар едириб, керакли дори-дармонлар олиши учун кўп тер тўкарди. Ўзи оч бўлса ҳам, бемор онаси учун бори-ни аямасди. Кўча тўла ўзидек қийналган болалар, оч-яланғоч одамларга қараб ачинарди. 19 ёшга етганида онаси вафот этади. Ўша кундан бошлаб ўз ҳаётини беморлар, кексалар ва уйсиз ночорларга ёрдам бериш учун бағишлашга қарор қилди. Эдхи бепул шифохона қурилишига пул йиғиш учун кўчаларда тиланчилик қилди, қулдек ишлаб эзгу мақсади сари интилди.



Ўша пайтда у очган фонд ёрдами билан йигирма минг ночор оила уйли бўлди. Эллик мингдан зиёд етимга ёрдам берди, қирқ минг нафар қизлар унинг ёрдами билан ҳамширалик соҳасида билим олди. Қариялар ва болалар уйларида яшовчи юртдошлари, гиёҳвандлар ва бемор аёллар учун бепул шифохоналар ҳамда реабилитация марказлари билан

бир қаторда, Эдхи йирик тез ёрдам марказини ҳам ташкил қилди. У умр бўйи икки сидра кийим билан яшади ва ҳеч қачон ўз фондидан маош олмади. Эдхи: “Сиз ҳашамат учун яшашни бас қилганингизда, ҳаёт маъносини англай бошлайсиз”, дер эди. 2009 йилда бу бағри кенг инсон “Бағрикенглик ва зўравонликка қарши ғояларни тарғиб қилиш” борасида ЮНЕСКО мукофотига лойиқ деб топилди. Абдул Саттор Эдхи 2016 йил 8 июлда 88 ёшида вафот этди. Унинг ҳаётдаги энг сўнгги истаги ўз вужудидаги аъзоларини эҳтиёжмандларга бериш эди. Ҳатто ўлим тўшагида ҳам у муҳтожларга ёрдам бериш ҳақида ўйлади.

Бу инсоннинг ҳаёт тарихи, ҳатто биргина инсон дунёни яхши томонга ўзгартиришга қодирлигининг исботидир.

Гавҳар НАСРУЛЛОҲ таржимаси

Ризқи юлдузларнинг чангидан

Оналарнинг кўп гаплари қизларнинг ёдида сақланади. Мавлуданинг ҳам қулоғига раҳматли онаси Розажон аянинг бир гапи тушиб қолган эди. Нима муносабат биландир кўни-кўшни аёллар тўпланган даврада фаррошлар ҳақида гап очилди-ю, кимдир уларга нисбатан нописандроқ оҳангда сўз бошлаган эди, Розажон опа:

– Нега ундай дейсизлар? Фаррошлар болаларининг ризқини юлдузларнинг чангини супуриб топади, – деди. Бола тасаввурига юлдузларнинг чанги ҳам чиройли бўлиб кўринди. Шу-шу кўча тозалаб юрган аёлларни кўрса, уларнинг махсус кийимларида нимадир жимирлаб тургандек туюларди. Отаси қазо қилиб, бир этак бола билан қолган онасига ёрдамчи бўлиш мақсадида иш ахтарганида ҳам хаёлининг бир бурчагини ўша тасаввур ёритиб турарди.

– Вақтлар ўтиб, қилаётган ишимнинг бўйи-энига тушунгач, билдимки, онажоним ҳаммага ҳам қадрли кўринавермайдиган касбнинг обрўсини кўтариш учун айтган эканлар бу гапни, – дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани ободончилик бошқармасига қарашли саккинчи бригаданда ўн тўрт йилдан буён меҳнат қилаётган Мавлуда Холбоева. У бу йиллар давомида тобора ўзига тушунарлироқ, тобора дилига яқинроқ бўлиб бораётган хизмати ҳақида ҳар хил гапларни эшитди. Кимдир:

– Сенинг қилаётган ишинг – савоб, ернинг юзини очсанг, Оллоҳ йўлларингни очади, – деса, бошқа биров:

– Ўғил-қизларинг катта бўляпти. Эртага эшигингни совчилар қоқади, ўзинг бировниқига қулчиликка борасан. Сени аяб ҳеч нарса демагани билан болаларинг “Онам фалон жойда ишлайди”, деб оғзини тўлдириб айтadиган касб эгаси бўлишингни исташади. Яхшиси, бошқа ишнинг бошини тут, – дея маслаҳат беришди. Йўқ, Мавлуда опа хижолат бўладиган, болаларини гапга кўядиган ҳеч қандай фавқулудда ҳодиса юз бермади. Турмуш ўртоғи ёғ-мой комбинати ишчиси Анвар ака билан бирга қизларини узатишди, ўғилларини уйлантиришди, неваралар кўришди.

– Тақдир экан, аввал бир фарзандимдан, кейин уларнинг отасидан жудо бўлдим. Бундай пайтда одамни кўпроқ қўлидаги иши овутади. Уйимга яқин жойларни тозалайман. Ўзимга тегишли ҳудуднинг ҳар бир қаричи таниш. Бригадамиздаги ҳамкасблар билан ҳам қадрдон бўлиб кетганмиз. Оғир-енгил кунда бир-биримизга елкадошмиз ...

Мавлуданинг нафақа ёшига чиқиб ҳам хизматдан узилма олмай юрганининг яна бир сабаби ҳам бор экан. Ўғлидан сўнг келини ҳам бандаликни бажо келтирибди: уч нафар невару бувиға қолибди. Лекин бугун невараларига ҳам ота, ҳам она бўлиб яшаётган бу аёл ҳаётидан нолимайди. Сабрига суянган, сабридан куч олган барча оналар бувилар каби ҳар тинч ўтаётган кунига шукур қилади.

– Одамлар ҳар хил: биров ҳозир тозалаб кетган жойимизга ширинлигини еб, ўровини отади. Меҳнатимизни ҳурмат қил, дея танбеҳ берсак, сен шунга ойлик оласан-ку, ифлос қилсак яна тозалайсан, дейди. Бошқа биров раҳмат айтиб ўтади. Кувонтирганимиздан ўзимиз суюнамиз. Бригадиримиз Гофир акаям жуда эътиборли инсон. Байрам, ҳайитларда совғалар билан кўнглимизни кўтариб турадилар. Тефаль берадимми, бир кийимлик матоми, мен болаларимга илинаман... Ҳаётимиздаги ўзгаришларга монанд ишларимиз ҳам энгиллашяпти. Бир пайтлар қоп-қоп чиқиндиларни терак бўйи тиркагичларга ўзимиз ортардик. Кечкурунлари елкаларимиз, бўйинларимизнинг оғриқларидан “дод” деган пайтларимиз бўларди. Ҳозир биз – аёлларни бундай оғир юмушлардан озод қилишган. Барака топишсин, эркаларимиз зиммасида бу ишлар, техника ривожланиб, уларнинг ҳам оғирлари анча энгиллашган. Лекин барибир биз ҳамшаҳарларимизнинг тозаликка бўлган эътиборидан унча кўнглимиз тўлавермайди. Кўряпсиз, шаҳримиз кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Чиройли бинолар, равон йўллар, хиёбонлар ...Кошки, бу гўзалликнинг қадрига етсак, авайлаб, асрасак... Болаларимизга, невараларимизга ҳам кўчалар, йўлақларни озода, саранжом-сарийшта тутишни ўргатсак...

Мавлуда Холбоеванинг айнан шу мавзуда соатлаб гапиришга тайёр экани сезилиб турарди. Чунки у шу ҳаёт билан яшайди, ўзига азиз бўлган нарсаларни бошқалар ҳам эъзозлашини хоҳлайди. Қўллари заҳматдан қадоқ бўлган бу аёлни тинглар эканман, унга:


– Мавлудахон, биз сизнинг истакларингизни журналимиз орқали оналарга етказамиз, бу гаплар кўнглимда қолиб кетади, деб хавотир олманг, – дейман. Мана, биз ваъдага вафо қилдик, қолган гап сизларда, азизлар. Ёғ тушса ялагудай қилиб кўядиган уйларингиздан кўчага чиққанингизда, оёғингизга гард илашмасин, деб мана шу йўлларга ҳар кун кунда неча бор эгиладиган касб эгаларининг – Мавлудаларнинг меҳнатини ҳам эслаб қўйинг.

Қутлибека РАҲИМБӨЕВА.



Энанинг боласи

ёлтон ёзмайди



Очиғини айтсам, бу инсон билан суҳбат қуриш осон кечмади. Бир қараганда, овози момогулдуракдек, сўзи тўқмоқдек, бир оз қайсар, дўлвор киши кўнглидагини эшитиш учун эшигига бир эмас, уч-тўрт қатнадимов. Камига иш столи устида одамни ҳуркитиб доим тош туради. Тош бўлганда ҳам қай тоғнинг бағридан олинган чақир тош. Хуллас, бу ёзувчи билан “муроса”га келгунимгача унинг бир қанча асарларини ўқиб чиқдим, ўргандим. Англаганим, ўзи ва сўзи бирлиги бўлди. Таниқли ёзувчи Баҳодир Қобул билан гурунгимизни ўқиб, мени тушунарсиз.

– Баҳодир ака, асарларингизда аёл образи етакчилик қилади. У гоҳ эна, баъзан она, опа, амма образида бўлсин, ҳаётнинг ибтидоси, меҳвари шу зот эканлигини эслатиб туради. Бу фикримизни “Энашамол”, “Богдагул” каби асарларингиз ҳам тасдиқлайди. Ёзувчи ўз ота юрти, она нафаси огушидаги болалигидан олисламайди. Келинг, аввал сизни улгайтирган ўша она қишлоқ, ота тупроқда кечган азиз дамлар ҳақида сўзлашсак.

– Бисмиллохир раҳмонир раҳийм. Аввало, ҳурмат қилиб элимизнинг энг ўқишли журналларидан бўлмиш, бир вақтлар катта завқ ва шавқ билан энам ва опамларга ўқиб берган “Саодат” саҳифаларидан жой ажратганларингиз учун раҳмат. Отамакон – Жиззах вилояти Бахмал туманининг маркази Ўсमतота (советнинг “шарофати” билан улуг жойларимиздан “ота”лар тушиб қолган), бугунги кунда Ўсमत атоғлиқ маконнинг Турк қишлоғида туғилганман. Бу ном ҳам ўша даврда Йўлдошбойга айлантирилган. Чунки бир вақтлар оз муддат бўлса-да, бу ерда Йўлдош Охунбобоев номидаги хўжалик бўлган. Бироқ эл, жони бор элнинг жонли тилида қишлоқ оти қадимгидай айтилаверади. Қишлоқ тарихини эсдан чиқариш учун биргина отамиз ўн йилда уч марта кўчирма қилинган. Бирда Тожикистонга, бирда Мирзачўлга, бирда Учтепа атрофига. Туғилишим қизиқ бўлган. Ота-оналар чўлда тўрт бола билан, бир Нурали акам энам билан қишлоқда қолган. Опамни, яъни онамни қип-қизил қиза-

миққа ўхшаган яра босган. Дўхтирлар даволай олмаган. Шунда Хўжандда яшовчи ўқимишли, китоб кўрган, катта отамизнинг шогирдларидан бири бўлган киши келиб отамга тезда келинни қишлоққа, оталари кўним топган жойга олиб боришни тайинлайди. Отам мотоциклда опамни миндириб етмиш километрлик тошу чанг йўлдан олиб жўнайдилар. Худонинг қудрати билан опам ота ҳовлимизга тушишлари ва қумғонда бир чой қайнар вақт ўтмай бадандаги шилта бўлиб ётган ярадан нўхотнинг гуличаниям қидириб топиб бўлмайди. Мен раҳматли онамнинг гапларини жойиниям ўзгартирмай айтдим. Ҳозир эски уй ўрни ҳовлининг ўртасида супадай бўлиб қолдирилган. “Мана, мана шу жойда туғилгансиз”, деганларича оёқлари билан босиб кўрсатиб, “мана бу бодом деразанинг орқасида ўсарди, чамам шу”, деганларича. Мен у жойларни дўстларим Исажон Султон, Муҳиддин Абдусамадларга мақтаниб кўрсатганман.

Болалик Ўсमतда, шунингдек, Жиззах туманидаги у вақтлар “Москва” колхози дейладиган хўжаликнинг Турк қишлоғида ўтган. Бу қишлоққаям қадим қишлоғимиз оти кўйилишига сабаб отам Холбўта Мулла Қобул ўғлининг тап-тақир ерда Ўсमतдан ва Жиззах яқинидаги Равотнинг Кўрпа қишлоқларидан кўчирилганларнинг бошини бир қилиб ватан қурганлари, қишлоқ қурганлари, ер очиб пахта, галла етиштирганларидир. Отам Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтида ўқиган-

лар. Ўсватни биз Юқори қишлоқ, Жиззахдаги-ни Пастки қишлоқ дер эдик. Ва ҳар иккисидаям мени Энанинг боласи деб бирон бир одам қаттиқ гапирмас ва ҳеч ким “сан” демасди. Бу менга жуда катта масъулият юқларди. Бундай муносабатнинг сабабларини суҳбат давомида тушунтиришга ҳаракат қиламан.

– Она образи деярли ҳар бир ижодкорнинг асариде бор. Ва ҳаммасида бу зот хокисор, камсуқум, мунис қилиб тасвирланади. Лекин мен китобларингизда кўрганам Энанинг феъли ўзгача. Бир қараганда, она лочиндек виқорли, фақат ўзидек чўрткесар. Яна бир қарасанг, кўнгли кенг, офтобли... Сизни ҳамиша авайлаб, қўлингиздан тутган дарёдил зот ҳақида ўзингиздан эшитиш завқли.

– Боя айтганимдай, мен Энамнинг боласи эдим. Энам Шаҳзода Иброҳим Султон қизи асли Шаҳрисабз барлосларидан. Катта отам Мулло Қобул Иброҳим Исмоил ўғлининг катта хотинлари. Катта отам 1937 йилда вафот этганлар. Шаҳзода энам, у кишини қишлоқда ҳамма Шозод эна дейишарди. Болаликларида Саодат деб чақиришган. “Саодат” журналинини ўқиб берганимда, “Мани отдошим экан” деганлар кулиб. Менга “Саодат” журналининг рамзи бўлган, сочи шамолда таралиб турган аёл сурати ёқарди. Шаҳарда ҳамма келинчақларнинг сочи шамолда шундай бўлса керак деб ўйлардим. Энамнинг фарзандлари бўлмаган. Шунда ўз қариндошлари, сингилларидан бирини катта отамга никоҳлашга бош бўлганлар. Отам, аммам ва яна икки ўғил Кичкина энам – Иқболой энамдан туғилганлар. Катта отам вафот этганларида энг катта бола – қиз ўн тўрт ёшда бўлган. Энг кичиги уч ёшда. Катта энам тўрт болани олиб қолиб, кичик энамни қариндошимизга турмушга бериб, бир ўзи урчуқ йигириб тўрт болани катта қилган. Қуни кеча отамизнинг мачитида сув иситишга навбат талашганлар “халқ душмани” болаларига бир оғиз яхши гап айтиш ҳам жиноят эканлигидан юрак олдиришгача кўрсатган ҳунарлари-

ни отам қиш кунлари кўзда ёш, юракда титроқ билан сўзлаб берарканлар, ўша одамларнинг кимлигини айтиб: “Биронтанг биронтасининг ўзигаям, боласигаям ёмонлик қилмайсан”, деб тайинлардилар. “Худодан нима тилаган бўлсам, ҳаммасига етганман, Худо хоҳласа, яна етаман”, дердилар. Мен туғилганда ердан катта энам кўтарганлар... Шундан мен Энанинг боласи отини олганман. Отам ҳам мени бирор марта “сан” демаганлар. Жуда чегарадан чиқиб кетсак, “Ҳа, Сариг бола-я, бошқа болам бўлганда нима қилишни ўзим билардим”, дердилар.

Энам менга айтиб берган эртақларини мен ҳали китобларда учратмадим. Етти ота уруғимиз Мир Арабни битирган. Ўсватота – улуг жой. Ўсватий, Самарқандий атоғлиқ кўплаб олиму уламолар ўтган. Бундан роппа-роса минг йил илгари, Ҳазрат Алишер Навоидан беш юз йил олдин ўтган ва “Дунё илмининг устунни” унвони соҳиби бўлмиш Алоуддин ал-Усмандий ас-Самарқандий. Бу сизу биз бугун Ўсватота деб биладиган азизнинг номи, сўнгги кўним топган маконининг отидир. Нафақат ҳар бир ўсватлик, балки ҳар бир ўзбек бундай ота билан фахрланишга ҳақлидир.

Мен Энамнинг дастёри эдим. Ҳассаларидаги чизикларнинг неча марта бир-бири билан қўшилишиб кетгани, неча марта ажрашганигача билардим. Силлик, тоғнинг “ирғай” отлик дарахтининг шохидан бўлган. Энам юз ёшга яқинлашганларидаям урчуқ йигирдилар ва ўзлари билан ўзлари гаплашиб ўтирардилар. Энамга “одам ҳиди” ёқмасди. Ҳар қандай одам билан гаплашавермасдилар. Энди-энди илғаяпман, азоб меҳнат, қадрсиз меҳнат ва одамларнинг майда ташвишлар ортидан майдалашганликларидан шундай бўлган бўлса керак. Чунки Энам ёлғон гапиролмасдилар, тўғри гапиришга эса куч кераклигини иллаганман. Энамнинг тўрт болани оқ ювиб, оқ тараб элга қўшиши, бир урчуқ бошини айлантриб боқишини, бу кундан бу кунгача бир қотирма билан қахратон совуқда исимас кулбада кун кечиршини ёзиш учун битта юрак камлик қилади. Энам орли-номусли, унча-мунчага оғиз очиб гапирмайдиган ва унча-мунча нарсаларни нарса ҳисобламайдиган, Худодан кўрқадиган ва бошқаларни ўзидай бир банда кўрадиган инсон эдилар, чоғи. Ҳозир йиғлаб юбораман. Энамнинг нафаслари юзимга урилгандек... Менинг Энам шундай, ҳамиша мен билан. Ёзганларимиз энангизни эслатган экан, демак, энанинг боласи ёлғон ёзмаган. Тўғри гап ҳамма жойда тўғри, тўғри гапни тўғри одамлар танийди.

– Таниқли ёзувчи, устоз ижодкор Нурали Қобул ҳамда ёзувчи Баҳодир Қобулнинг бешиги-





ни тебратган, бўйига қараб бўйи, кўнглига боқиб кўнгли ўсган, ўғилларининг қалам тутган қўлларига умидвор тикилган волидангизни эсласак.

– Онам (Онамни опа, деб атардик) Зебини-со Мукулмонқули қизи, Равот барлосларидан. Қишлоқдаги отлари Бийнисо ўн фарзандни дунёга келтириб, элга қўшган улуг ўзбек оналарининг бири. Опам жуда зеҳнли ва тозатавар аёл эдилар. Тозатавар дегани уйни, болаларини, ўчоқбошини, эрнинг кийим-бошини доимо тоза тутадиган, соғадиган сигирининг елинигача қарайдиган аёл дегани. Мақтансам-мақтанмасам қишлоқда энг мазали овқат, энг чиройли ва зўр ноғ опамники бўларди. Бошқоронғи дугоналарию кейинчалик келин бўлганлар барча-барчаси онамнинг ноию бир коса овқати, мешидаги сузмасию ҳали уюмаган қатиғига жерик, бошқоронғи бўлишарди. Уч акаларини уруш еган, бир ака урушдан бир оёқдан айрилиб қайтган. Ота эрта оламдан кўз юмган. Она икки қиз билан қолган. Ногирон ака урушдан қайтганча онаям омонатни топширган. Ўшанда қишлоқдаги ота-онасиз қолган болаларни “Болалар уйи”га топшириш, олиб кетиш бошланган вақтлар ҳақида опам: “Акамга, “Мени Болалар уйига топширинг”, деганимда, “Сани “Болалар уйи”га топшириб, элнинг ичида қандай бош кўтариб юраман, эл ўл ака бўлмай демайдим, синглим?” деганча йиғлаб ҳар кун сочимни битталаб кўрарди, совун отлиққаям йўқ эди-да”, деб эслардилар.

Опам тўғриси, тўғрилиқ учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, етти эркакман деганнинг ишини бир ўзи қиладиган аёл эдилар. Узун бўйли, оқ-сарикдан келган, кўк кўз. Қишлоқда чексиз ҳурматга, иззатга эга. Уларнинг келинлик оқ рўмолларини бошига солиш, тўйида елкасига ташлаш ҳар бир келиннинг орзуси эди. Бир рўзғор кўрган, беш ўғилни катта қилган аёлнинг келин тўйлардаги обрўйини энди кўраверасиз. Менинг биринчи синфдан еттинчи синфгача ҳар кунлик дарсларимга шахсан опам кечкурунлари қозон-ўчоғини тинчитиб келганларидан кейин бошимда туриб, уй вази-

...Миллатни оналар тарбиялайди...

фаларимни бажаришимга қараб ўтирардилар. Аслида уй вазифалари бажарилган бўларди, нима қилганимни айтиб берар ва эртанги кунга биргаликда тайёрланардик. Бир кун чироқ ўчиб дарс қилолмай кўрпанинг ичида йиғлаб ётганимда ярим кечаси чироқ ёқиб, бошимда ўтирганлар. “Дарсингизни қилиб олинг, бажарин. Биз ўқий олмадик, биз учун ҳам сиз ўқинг”, деб.

Фалласи ўрилиб, бошоғиям терилиб машоқ теришга рухсат берилгандан кейин, машоқ териб бир сиқимгина буғдой тўплаган (тасаввур қилинг, даладан, ўримдан чиққан ғалла майдонидан бир дона буғдойни топиш машоқ териш дейилади), бир кунлик меҳнат ҳақи кулчадан салгина катта қотган битта нон бўлган ва унияям ярмини еб, ярмини онасига олиб қўйган онамнинг бошидан ўтган кунларни йиғламай айтиб бериш мушкуллигини, онадек улуг отга муносиб бўлиб қолиш ҳар кимга-ям эмаслигини энди-энди тушунаяпмиз. Ўша вақтда судлар эл орасида ўтказилган. Шундай судлардан бирида бир одам адолатсизликдан қамалаётган бўлган. Емаганини еди, ўғирламаганини ўғирлади, деб. Судни эшитиб-кўриб турган, икки боласи бор ёшгина онам қозиларга менда гап бор, дейди. “Мен бу ишларга гувоҳман”, деб ўртага чиққанлар ва даврадаги шу ишга алоқадор барчани бирма-бир ўртага чақириб, кўрилатган ишнинг бошидан охиригача тухмат эканлигини исботлаб берган ва бир одамнинг қўлидаги арқонни ечтириб, уч одамнинг қўлига арқон боғлатган. Миллатни оналар тарбиялайди. Қўлидан арқон бўшатирилган ҳам, қўлига арқон солинган маҳқумлар ҳам вақт ўтиб омон-омон бўлгандан кейин ўла-ўлгунча онамдан рози бўлдилар. Худонинг азобидан қутқарганлари учун. Катта энамдек онамнинг ҳам бир гапи икки бўлмаган ва ҳеч қачон ёлғон гапирмаганлар. Бу гапга Юқори ва Пастки қишлоқларнинг барчаси гувоҳлик беришига иқрорман. Опамга одамнинг кимлиги фарқсиз. Карис (корейс) ёки тожик дугонаси бўладими, рўзғорида жанжал бўлиб, болаларини етаклаб уйимизга келиб қолса қариндошидай муомала қилар, нимага жанжал чиққаниниям сўрамасди. Бир-икки кун ўтиб ҳаммаси жой-жойига тушиб кетарди. Катта энам бошчилигида отам ва онам ўзларидан беш-ўн ёш кичик ота-онасиз, эркаксиз қолган рўзғорларнинг ўн икки қизини тарбиялаб, бир коса сув билан бўлса-да, никоҳлаб узатганлар. Сарпо-сурув деган нарсалар

қаёқда. Беникох, безга дейилмаслиги, худодан кўрқанидан, албатта.

Ўсмагдаги ҳовлимизда юртимизнинг не бир зиёлилари меҳмон бўлмаган. Акам Нурали Қобул ёз салқинида бирда Зулфия Исроилова, бирда Кибриё Қаҳҳороваларни беш-ўн кунга дам олишга олиб келар, қишлоқда шунча кун байрам бўларди. Сарвар Азимов, Пиримқул Қодиров, Баҳром Иброҳимовлар отамнинг яқин қадрдонлари эди. Нега бундай деяпман, чунки отам ҳамма билан ҳам ҳовли тўридаги катта тутнинг тагида гурунг қилмасди. Устоз Абдулла Орипов опам пиширган чиройлидан чиройли қозон патирни иссиқлигида ўртасига бир калла саримойни ташлаб, эришига қараб “Ана сенга шеърият”, деганларининг мазасини энди-энди англаяпмиз. Ота-онамиз болаларини шундай одамлар изидан юришини истаганлари, ишашларини юз-кўзларидан илғардик. Шу ниятларга, меҳнатларга муносиб бўлмоққа Яратганининг ўзи ёрдамчи бўлсин. Ҳеч бир ота-онанинг кўзи ортга қараб қолмасин.

– *Бугун шароит ва имкониятлар ўзгарган. Моддий ҳаётга интилишимиз, эҳтиёжимиз ўсган. Имкониятлар кенгаётгани сайин кўнглимиз торайиб бораётгандек. Аёл қалби ҳақида гапирмоқчилигимиз сезгандирсиз. Сиз кўзгу тутганингиз – оналар тимсолида ўта бағрикенгликни, покизаликни, ҳалолликни, ифбатни кўраман ва... хижолат бўламан. Замондош қавмим ва ўзимдан... Сабрсизлигимиз, шукурни унутганимиз, ёлгон дунё ҳою ҳавасларига ўчлигимиз оқибати эмасмикин, деган хавотирлардан ўртаниб кетаман.*

– Хавотирларингиз ўринли. Бироқ бугунги сабрсизлик, шукурнинг тақчиллигини бугундан эмас, балки сал олдинги кунлар тарбиясидан ахтарганимиз адолатлироқдир. Элимизда ризқинг қисилсаям, феълинг қисилмасин, деган гап бор. Худо бирор одамни ёқтирмай қўйса, феълини қисармиш. Ҳар қандай ҳолатдаям феълни кенг қилинг, деган элимизнинг феъли нега торайгандек. Имкониятлар кенгайгани сари одамларнинг феъли айниб бораётганидан (кўнгли демаган бўлардим, кўнглини илғаган одамга дунё бошқача кўринадиди) хафа бўламан. Бачканадан-бачкана ниятлар, расводан-расво орзулар, шармисор ҳаёллар. Уйни қишлоқда энг баланд қилиш, тўйга бунча минг одам айтиш, палончи артистни олиб келиш. Бунинг бари элнинг сўнгги йигирма йилда дунёдан узилиб ўз қобиғига ўралашиб қолиши, китоб, газета-журнал ўқишдан бездирилгани билан

Миллат тилида тирик. Тили қисик элни эл демайдилар.

боғлиқ. “Саодат” 1991 йилда неча тиражда чиқарди-ю ҳозир неча дона чиқади. Ўшанда эл ўн етти миллион эди. Ҳозир ўттиз тўрт миллион. Ўн етти миллионнинг ҳам тўрт ярим миллиони бошқа миллатлар эди. Ҳисобни бўри егани йўқ. Қадрли меҳнат билан таъминланмаган эл нима қилади? Бекорчидан худо безор. Бироқ аҳвол шу экан, деб қўлни икки ёнга ташлаш бу – кўрқоқнинг иши. Эл ўзининг ўзагига, ўзанига қайтиши керак ва Худо хоҳласа, албатта, ўз булоқлари бошига қайтади, ўз булоқларидан сув ичади. Кишилар бошидаги ўрта асрга хос ҳаёлларини фақат ва фақат газета-журналлар, китоблар ўқишгина ҳозирги замон саҳнаси юзига олиб чиқади. Бировнинг қўли билан ясалган техникани чуқалаш ёки миниш эмас, такрор айтаман, қалам, қоғоз, газета ва журнал, китоб ва кунт билан ўқиш, ўқиш. Бошқа ҳамма нарса ана шуларнинг атрофида айланади, айланаверади. Айланишларга маҳлиё бўлиш керак эмас. Бизни ҳеч ким босиб олгани йўқ, уруш бўлаётгани йўқ. Ўзимизнинг нафсимизни бошқаришни билмаймиз, нафсимиз тажовузига, ҳужумига, истагига қулмиз, тамом. Энам урчуғининг боши айланиши кўзимга кўринаяпти. Гаплариям. Одам боласига бир оғиз яхши гап, бир парча қотган нон, бир коса тоза сувдан ортиғи ортиқ... Сабр ва шукурдан узилган кўнглини кўнгли демайдилар. Тийилмаган нафс тўрт оёқдаям бор...

– *Устоз ижодкор, оналарни севгувчи инсон сифатида бизга айтарларингиз.*

– Ижод олами шарпасини, шамолини, рангини илғаган, илғаётган укаларга, сингилларга айтаримиз: ота тилини, она тилини севдим деманг, севаман деманг! Сен учун жонимни тикканман, денг. Севиш камлик қилади. Тилимизнинг юрак уришини илғар экансиз, катта оталар, катта оналар ҳам бошларини тупроққа қўймаганларини илғайсиз. Сиз билан бирга нафас олиб, нафас чиқараётганларидан туюнасиз. Сизнинг қошу қовоғингиз ўртасида, филтиллаган кўз ёшингиз ичида қараб турадилар. Тилимиз нақадар қадим, улуг ва виқорли эканлигидан улгу олиш ҳар бирингизга насиб этсин. Миллат тилида тирик. Тили қисик элни эл демайдилар.

Сўхбат самимий кечганлигига гувоҳсиз. Она соғинчи юракни ёмғирдек ювади, поклайди. Қалбнинг таскини бўлган хотиралар билан қолган ёзувчи билан хайрлашарканман, стол устидаги тошга беихтиёр яна кўзим тушади. Ота-эналар даврининг залворини эслатиб турадими бу кемтик тош, билмадим-у, шу тобда у ёзувчи столига бирам ярашиб турардики...

Наргиза АСАДОВА сўхбатлашди.

Янги йил кечасида

Ҳикоя



Қўчқор НОРҚОБИЛ

Уоёқ-қўли увишинқираб, лоҳас бўлиб уйғонди. Зил-замбил бошини базўр кўтариб, деворга орқа тиради. Тўшакда ўтирган кўйи ташқарига разм солди. Дала уйнинг биринчи қаватидаги хона деразасига қор учқунлари урилаяпти. Анчага довура деразадан кўз узмади. Нигоҳи иллаган ҳовли сатҳини, узун деворнинг тунука қалпоғи, беҳи, олма, гилосни қор қоплаган. Барибир оқлик яхши-да. Кўнгил равшан тортади.

У ўрнидан тураётиб елкасида яна оғриқ пайдо бўлганини ҳис қилди. Гўёки икки кураги орасига кириб қолган беш-олти дона чақиртикан тагин қўзғалиб, айнан танасининг елка қисмини куйдириб, чимиллатиб аъзойи баданига оғриқ берарди. Елкасига кириб олган ана шу беш-олти дона чақиртикан ўттиз йилдан ошдики, азобини бериб келаяпти. Аҳён-аҳёнда қўзғалиб қолади. На шифоси бор, на қутулишнинг бошқа иложи. Ўз дарди ўзи билан. Бировга айтолмайди. Нима деб айтади? Мен соғман, ҳаммаси мана шу, елкамдаги чақиртиканларнинг азоб-уқубати дейдими? Ким ишонади. Елкасида чақиртикан кўтариб юрган одамни ким кўрибди? Айтиб бўлмайди, айтиб бўлмайди-ей, эшитган қулоққа ҳам галати. Аъзойи танангда қилнинг чангидай ошиқча нимарса бўлса, дарҳол топиб кўрсатадиган ва ташхис қўя оладиган тиббиёт ускуналари учун сенинг елкамдаги (агар бор бўлса) дўланадай-дўланадай келадиган чақиртикан нима дегани. Шунча йилдан (!) бери елкамда ўсиб чиқмагани-ю тиббиёт оламида тажриба майдонига айланиб қолмаганингга шукр қилсанг-чи, кейин кўр эди шармандаликни.

Нодир ювинаётиб ўзини ўзи шундай койиди, бу билан хаёлидаги бемаъни ўйни қувмоқчи эди. Йўқ... Уддасидан чиқолмади – елкаси яна чимиллаб оғриди.

Емакхонага тунд қиёфада кириб келди. Хотини, болалари дастурхонга қўл урмай, кутиб туришибди. Курсига ҳорғин чўкди. Уф тортди. Дастурхонга қўл чўзган бўлди.

– Қани олдик, мактабга кеч қолсанлар...

Хотини зимдан разм солди:

– Тобингиз йўқми?

У хотинининг “яна” деган сўзни қўшиб айтмаганидан хурсанд бўлди.

– Чарчабман, шекилли. Бугунча ишга борай, эртдан бошлаб таътилга чиқаман.

Зиёданинг чеҳраси ёришди:

– Шундай қилинг, дадажониси! Дам олинг. Бу ёғи Янги йил ҳам кеп қолди.

Болаларнинг ҳам димоғи чоғ, чувиллаб қолишди.

– Дадажон, янги йилни қаерда кутамиз? “Дом” дами, “Дача” дами?

– Янги йилни сизлар хоҳлаган жойда кутамиз. Хоҳлаган нарсаларингни олиб бераман.

Кенжа қизи Зумрад онаси ёнидаги курсидан тушиб пилдираб келиб Нодирнинг бўйнига осилди.

– Дада. Дадажон, менга нима оберасиз?

– Сенга қуёнча, оппоқ қуёнча!

– Йўқ. Оппоқ айиқча олиб беринг.

– Хўп.

– Туш, пастга туш қизим, даданг овқатланиб олсинлар.

– Тушмайман, ойи! Тушмайман.

– Қўй, майли, индама. Ке, тиззамга ўтириб ол, қизим.

– Дадажон, анов кунгидай елкангизни силаб қўяйми?

Зумрад кичик қўлчалари билан Нодирнинг бўйнига қўл солиб елкасини силай бошлади.

– Дада, дадажон. Елкангизга кириб олган юлдузчаларни олиб ташлайми. Мана мунча, қулоғимдаги сирғамнинг юлдузчаларига ўхшаш юлдузчаларни...

Нодир синиққина жилмайди. “Майли”, ишорасида бош силкиди. Қизалоқ нозик бармоқчалари билан чимчилаб юлдузча тера бошлади:

– Мана, мана... Битта, иккита, кейин... кейин учта, тўртта, кейин... беш... бешта! Оп ташладим.

Катта ўғли билан қизи кулишди. Хотини:

– Болага галати ўйинлар ўргатасиз-а? – деди.

Нодир оғриқ турса шартта юзтубан ётиб оларди-да беш ярим яшар қизи Зумрадни елкасига чиқариб оларди:

– Қизим, елкамдаги юлдузчаларни териб ол. Оғритаяпти.

Оиладагилар буни ҳазил, шунчаки ўйин деб ўйлашарди. Нодир ҳам ўзини қизчаси билан ўйин ўйнаётгандай қилиб кўрсатарди. Қизча юлдузчаларни терарди... Шундан сўнг, ё кудратингдан, Нодир бирмунча оғриқни унутарди. Эй-ей, буни биров-

га айтиб бўладими, ўз уйингдагилардан яширган дардни ўзганинг томида тоғора қилиб бўлармиди? Нима дейсан, нима деб айтасан, кимга айтасан. Шу беш ярим яшар норасида англаган, ҳис қилган аҳволи руҳингни кап-катта одамлар тушуниб етмайди, шуниси алам қилади, йўқ, буларга буни айтиб бўлмайди. Булар ёзган китобларингни ўқишади, қойил қолишади, мақташади. Сен ёзган сахна асарларини энг нуфузли театрларда ҳайрату ҳаяжон билан томоша қилишади, асарларинг асосида яралган киноларни кўришади, тасанно айтишади, гоҳида ўзингда йўқ сифату сафсаталар билан кўкка кўтардилар, сўнгра ерга урадилар, гоҳида ғийбату ғурбат билан ерпарчин этадилар, элагига эрмак, калишига патак, аёлига этак қиладиганлар топилади. Бироқ шу норасида қизалоқнинг билганини билмайдилар, елкангдаги оғриқни тушунмайдилар. Айтма, айтсанг шамолнинг шапалоғини ейсан!

Дардини бир марта айтган. Айтгану мулзам торган. Шу-шу – оғзи берк. Оғзи маҳкам. Итни боғлаб кўйсанг турмайдиган жойда эди. Ҳарбий хизматда, афғон урушида эди. Яраланди. Госпиталда қорнини кесишди, сўл сонини кесишди. Майда-майда темир бўлакчаларини олиб ташлашди. Кунни бор экан, ўлмай қолди. Оёққа турди. Соғинчданми ёки нимадир ёдига тушса елкасига чақиртикан қадалгандай жизиллатиб, чидаб бўлмайдиган даражада оғриқ берарди. Бир кунни палатага кириб келган ҳарбий дўхтирга, елкамда майда-чуйда юлдузчалар (чақиртиканнинг ўрисчасини билмади) қадалиб азоблаяпти деди. Ҳарбий дўхтир ачиниб қаради:

– Ўғлим, елкангдаги юлдузчаларни эмас, бошингдаги юлдузчаларни олиб ташлаш керак. Юлдузчалар бошингда жойлашиб қолган. Биз олишимиз лозим нарсаларни олиб ташладик. Энди бошингдаги юлдузчаларни фақат ўзинг олиб ташлашинг керак.

Ҳарбий дўхтир эзгин қиёфада бош чайқади. Уф тортиб чиқиб кетди.

Ташқари совуқ. Қаҳратоннинг қаҳри кўзиган. Ҳаводаги қор учқунларини увилаган шамол ўз кўйида ўйнатиб кўз очирмайди. Нодир ҳовли эшиги ёнидаги хизмат машинасигача бўлган йўлни ҳансираб босиб ўтди. Уйдан ўзини бардам ва тетик тутиб чиқишга уринмасин, оёқлари ўзига бўйсунмаётганди, кўз олди қоронгулашиб борарди. Қон босими кўтарилганини ҳис қилди. Орқа эшикни базўр очаркан, ўзини беҳол машина ўриндиғига ташлади. Хавотир аралаш ҳовли дарвозаси томон ўгирилиб қаради. Бошида оғриқ турди.

Уни аллақандай бир куч зимистонлик қаърига тортиб борарди. У ўзини таг-туби йўқ чоғга қулаётгандай ҳис қилди. Қовоқлари зил-замбил. Кўзини очолмади.

– Шифохонага... Шифохонага борамиз, – деди ҳайдовчига зўрға.

Машина ўрнидан жилгани, дала боғнинг тор йўлакларидан чайқалиб бораётганини тусмолаб, элас-элас тасаввур қилиб борди. Шамолнинг гувиллаши, алланималарнинг кум каби қаерларгадир чарсиллаб урилиши тубсиз жарлик сари шўнғиётган Нодирнинг тасаввур ойналарида элас-элас намоён бўлар, у айни дамда фалакдан ўйнаб тушаётган муз қотган қор учқунларини ҳам кўришни истар, тамо-

ман хасталикка тобе бўлмаган тафаккур ёлқинлари қоронғулик билан курашиб борарди. Сўнг ўша тасаввур осмонида юлдуздай милтиллаб турган сўнгни шуъла ҳам сўниб ғойиб бўлди. Нодир чоғ тубига гурсиллаб келиб тушганини ҳис этди, бўғзига нимадир келиб тиқилгандай бўлди-да, аъзойи бадани қизиб, борлиқ энди чинакамига чарсиллаб учаётган қип-қизил учқунларга тўлгандай бўлди. У тепасида ловуллаб ёнаётган осмонни, осмондан бодраб-сачраб тушаётган олов парчаларини кўрди. Гувиллаган шамол тўзғитган олов парчаларидан ерга қип-қизил сон-саноксиз чўғ тўкиларди. Шу маҳал Нодир чоғ тепасида кўлида толнинг узун новдасини тутиб турган болакайни кўрди. Бола жилмайиб, қўлидаги ям-яшил тол новдасини чоғ тубига ташлади. Кўкдан ёғаётган олов учқунлари болага умуман таъсир қилмас, унинг атрофини зангор ва мовий ранг нурлар қуршаб турарди. Боланинг уст-боши жиққа хўл эди. Нодир новдага тирмашди, бола кучли, эпчил эди, уни чоғ қаъридан тортиб олди. Нодир ҳам болани қамраб-қуршаган нур оғушида қолди. Боланинг табассум югурган, ёниқ чехрасига боқиб, ҳайратга тушди. Бу ўзининг болалиги, ўша, ўн икки ёшли Нодир эди. Нодир шуни пайқагани ҳамона болакай ғойиб бўлди. Нодир мовий тўлқинлар ичра тип-тиниқ кўлда қирғоқ сари интилаётгани, энди ўзи ҳам болага айланиб қолганини ҳис қилди.

Нодир соҳилга қадар сузиб келди-да, ҳолдан тойган кўйи, қизиган тупроқ устига чалқанча тушиб ётди. Тоғ ортида ботиб бораётган қуёш нурларида қирмизи тусга кирган осмонни кўрди. Алвон булутларни эса ирис конфетнинг қип-қизил тилла қоғозига ўхшатди. Бола ётган жойида кўкдаги тилла қоғозларга қўл чўзди. Ёнида кимдир қиқирлаб кулиб юборди.

– Зумрад..., Зумрад, – деди бола. – Қара, осмонга қара. Осмонга тилла чиқди, Зумрад.

Зумрад ҳамон қиқирлаб куларди.

– Зумрад. Зумрад...

... Бошида аллақандай гала-ғовур. Элас-элас шарпалар сузиб юрибди. Қовоқларини бир оғир куч босиб, кўз очишга мажоли йўқ. Нимадир тарақлади. Кимдир ғудранди. Алланечук гап-сўзларни шамол олис-олисларга олиб кетди.

– З... З... Зум...; – деди у зўрға кўзини очиб.

– Хайрият-эй, ўзига келди, – деди кимдир.

– Юрак уриши яхши. Худога шукур, ўтиб кетди, – деди яна кимдир.

– Нима кетди? Ким кетди? Зумрад қани? – деди бемор ихракли товушда бўғзи қуруқшаб. Сўнг тепасида турган нотаниш қиёфаларни кўрди.

– Мен қаердаман?

– Шифохонадасиз. Тинчланинг. Ҳаммаси ортда қолди.

Тўрт кундан сўнг беморни жонлантириш бўлимидан алоҳида нуфузли палатага ўтказишди. Нодир хона деразасидан ташқарида ўйнаб учаётган қор учқунларини кузатиб ётарди. Қалбини қоплаган ваҳимали қоронғулик ёришган, энди ҳаёт билан юзма-юз келиб турганидан кўнглида таскин ва шукрона туйғуси тўлқин урарди. Тепасида осма укол тайёрлаётган ҳамширага кўнгли учун ҳам илиқ гап айтгиси, ўзининг тетиклиги боис миннатдорчилик туйғусини изҳор этгиси келди:

– Янги йилга ҳам оз қолаяпти. Худо хоҳласа, Сизга жуда чиройли нарса совға қиламан.

Ҳамшира ҳам очиққўнғил, хушчақчаққина экан:

– Нима, масалан?

– Хўш, нимани хоҳлайсиз?

– Айтайми?

– Айтинг.

– Менга атаб битта шеър ёзасиз.

– Бу жуда осон, мушкулумни осон қилдингиз...

Қиз кулди.

– Майли, соғ-саломат бўлинг. Бошқа дард кўрманг. Китобларингизни ўқиганман. “Қордаги лола” қиссангиз менга ёқади. Сизга бир савол берсам майлими?

– Майли.

– Операция пайтида “Зумрад, Зумрад” деб алаҳладингиз. Зумрад ким?

Нодир талмовсиради. Дудуқланди. Туйқус қувониб, чеҳрасига кулгу ёйилди.

– Зумрад, қизим! Кичкина қизимнинг исми Зумрад!

– Яхши кўраркансиз-а?

– Жудаям.

– Хўш, энди ёнбошга ўтирилинг, ана шундай. Яхши!

Ҳамшира осма уколни ҳам улаб чиқиб кетди.

Янги йил кириб келишига ҳам уч кун қолди.

Нодир шифокорларга ўзини батамом тузалиб кетгандай кўрсатишга уринарди. Оёққа турди. Палатада, йўлакда бемалол юра бошлади. Дўхтир барибир билади-да. Бош шифокор Нилуфар Аҳмедовна бугун эмас, икки кундан кейин жавоб беришларини айтганда, тарвузи қўлтиғидан тушиб шалвиради, қолди.

– Юрак билан ҳазиллашманг, – деди бош шифокор, қатъий. – Қолаверса, сиз ҳали ёшсиз, шу ёшингизда инфарктга йўл бериб ўтирибсиз. Бўлди, яна икки кун назоратимизда бўласиз, ташхислар маълум бўлгач, шунга қараб иш кўрамыз.

– Ахир, Янги йил...

– Ҳечқиси йўқ. Ҳали кўп Янги йилларни қарши оласиз.

– Уйда, болаларим...

– Айтдим-ку, Нодир Собирович, ташхислар эртага чиқади. Яхши бўлса, албатта, индинга сизга жавоб берамыз.

Нодир қатъияти меҳрга йўғрилган бу аёл қаршида лом-мим деёлмади. Лабини тишлаб, бош силкиб қўя қолди.

Бош шифокор ҳамшира келтирган аллақандай қоғозларга синчиклаб назар ташларкан, бехосдан Нодирнинг юзи буришиб кетганини, ихраб юборганини сизди. Нодир ўзига пичирлади:

– Лаънатилар, куйдириб оғритаяпти, яна ҳаракатга кеп қолишди.

Бош шифокор Нодирга ялт этиб қаради.

– Нима безовта қилаяпти. Нима бўлди? Нима ҳаракатга келди?

Нодир кўзини олиб қочди.

– Ўзим шунчаки, – кулгига олди. – Елкамни нимадир қитиқлагандай бўлди.

Бош шифокор беморга ажабланиб қаради. Анчагача юзидан нигоҳини узмади. Аёл кишининг синовчан назарига дош беришдан ёмони йўқ. Ҳамшира

Нодирнинг қон босимини ўлчади. Жойида. Юрак ҳаракати ҳам меъёрида.

– Сиз мендан ниманидир яшираяпсиз. Сизни нима безовта қилаяпти?

– Айтдим-ку, соппа-соғман. Шунчаки... бу... болалик, ёшлик билан боғлиқ хотиралар асорати шекилли.

Бош шифокор бу ғалати беморга, элга таниқли адибга янаям қизиқсиниб қаради.

– Хўш, ёшлик хотиралари билан боғлиқ хасталик асоратини биз даволай олмасканмизми? Фақат сизга маълум бўлган бу касалликка ташхис қўёлмаймизми?

– Нилуфар Аҳмедовна, вақти-соати келганда, албатта, бу ҳақда бир ҳикоя ёзиб қўлингизга тутқазаман.

Бош шифокор энди самимий жилмайди.

– Йўқ... йўқ. Бу ерга қайтиб туша кўрманг. Биз сизга рухсат бермаймиз. Ҳикоянгизни бирорта журналда чоп эттирсангиз ўзим ўқиб оламан. Нодир Собирович, энди бироз ухланг. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Нодир палатада ўзи ёлғиз қоларкан, тўшакда чалқанча ётган кўйи ўзига гудранди: “Ҳикоя эмиш, қанақа ҳикоя?! Дарду дoston деб атаса яхшидир, балки...” Чиндан ҳам у болалик хотиралари, ёшлик ҳаяжоню елкасида манави лаънати чақиртиқанлар хуружи ҳақида ёзиб нимага эришарди?

Хаёл барибир ақл тизгинини узди. Хаёлида маъсум ўсмирликнинг тиниқ хотиралари тиклана бошлади.

...Нодир Зумрадни илк бор кўрган кунни эслади. У ҳамиша ўша кунни қалби ажиб ҳислар гирдобига хотирлайди. Мана шунча йил ўтибди ҳамки, кечагина юз бергандай, йўқ, шу воқеа ҳозир бўлаётгандай туюларди. Синфга Зумрадни ўқитувчиси бошлаб кирди. Зангор мактаб кўйлаги устидан оқ фартук кийиб бошига, атиргулдай қип-қизил бантик таққан кизни кўриб Нодир бошқача бўлиб кетди.

– Болалар, танишинглар, Зумрад! Бугундан бошлаб Зумрад бизнинг “А” синфимизда ўқийди.

Нодир биринчи синфга борганига ҳали ўн кун ҳам бўлгани йўқ, лекин “А” синф билан “Б” синфнинг тафовути борлигини сезгандай бўлди. Зумрад ҳозирча ўқитувчининг ёнидаги стулда ўтириб тураркан, ўқитувчи опа унга алоҳида меҳр кўрсатаётгандай туюлди. Зумрад чиндан ҳам чиройли, кийимлари ҳам чиройли, қип-қизил сумкаси ҳам ҳеч кимда йўқ – чиройли эди.

Ўша кеча туш кўрди. Тушига Зумрад кирди. У синфга қип-қизил мактаб кийим кийиб келибди. Кейин унинг ёнига келиб ўтирди.

Эртасига мактабга Зумрад кеча Нодир тушида аниқ-тиниқ кўрган қизил форма кийиб келди. Ўқитувчи опа уни Нодирнинг ёнига ўтқизди.

Улар бир партада ўтиришди. У хурсанд эди. Шу-шу, Зумрад билан дўст бўлди. Йиллар ўтаверди. У уй вазифаларини Нодирдан кўчирар эди. Агар у “беш” баҳо олса, ўзида йўқ севинаярди. У Нодирга қараб жилмаярди. Унга шунинг ўзи кифоя эди. Айниқса, математика дарсини ўлғудай ёмон кўрса ҳам уйга берилган мисол-масалаларни Зумрад учун ишларди. Зумрад кўчирарди, жилмаярди, “беш” баҳо оларди, яна жилмаярди. Зумрадга ҳаммининг ҳаваси келарди. Ҳамма

хушомад қиларди. Ҳатто ўқитувчилар ҳам Зумрадга овозини баландлатиб гапиролмасди. Зумрадининг отаси тумандаги энг каттакон одамлардан бири эди. Кимсан фалончи ижроқўмми, исполкомми, бир нарса! Хуллас, ҳамма соясига салом берадиган одам!

Ким билади дейсиз, Зумрад ҳам шунинг ҳавосини олдимди ёки қиз боланинг ақли эрта “пишиши” чинми, ишқилиб, ўзини бошқалардан анча баланд қўядиган бўлди. Бироқ Нодир билан ўша-ўша! Математиками, тарихми, нима дарсдан кўчириш керак бўлса, дастёр тайёр, Нодир юрагини тутгандай қўшқўллаб унга дафтарини кўчиришга беради. Синфдаги ўғил болаларнинг кўпи бунга гаши келарди. Нодир фақат Зумрад учун ўқийди, деб мазаҳ қилишарди. Нима дейишса дейишмайдими, гапирганлар гапириб, ичи куйиб қолаверарди. Хуллас, улар етти йил бир партада ўтиришди. Ёзги таътилда Зумрад Қримга Артека кетди. Нодир уйда қолди. Отасига ёрдамлашди. Очиғи, отаси билан кишиларнинг деворини уриб, уйини тиклаб, оғилини бутлаб, ерини юмшатиб мардикорлик қилишди. Уч ой қора меҳнат билан ўтди. Нодир узун ёз тунларида ўзидан олисларда, Артека дам олаётган Зумрадни эслаб юраги ҳапқириб, ичи ёниб борар, ботинидан нимадир ўзилиб кетгандай бўларди. Ўзи билан Зумрад ўртасида улкан жарлик, ўтиб бўлмас масофа мавжудлигини энди англаётганди. Ҳаётнинг бу номуаносиблиги боис қалбида энди ниш ураётган балоғат чечаклари умидсизлик аёзи остида қолиб кетаётганга ўхшарди.

Нодир отасига ачинарди. Оиладаги тўққиз жонни боқаман деб ўзини ўтга-чўққа ураётган отаси анча йиллар илгари ўқитувчилик қилганди. Мактаб директори ва айрим ўқитувчиларнинг баъзи бир қаллобликларига чидай олмай (хуллас, бу ёғи бизга қоронғу) сенлар ишлаган мактабда ишламайман, деб қўл силтаб чиқиб кетган дейишади. Шу-шу мактабга қайтиб бормади, бошқа мактабдан иш изламади. Қайсарлиги қийиқни қирқ ёриб – айтганини қилди. Мардикорликни ўзига раво кўрди. Нодирнинг кўнгли ўксиклиги ҳам шундан. Бироқ отасининг юзига тик қараб бирор гап айтиб бўлармиди. Ҳаром топишдан, хариш ейишдан худо асрасин.

Чилланинг чиллакини ёрган жазирамаси. Қуёш тикдан туриб тос манглайдан урган маҳали, бошингга тиг санчилаётгандай бўларди. Қишлоқни қоқ иккига бўлган катта йўл ёқасида янги тушган томорқа атрофида ота-бола девор тиклашяпти.

Нодир бир ярим қулоч баландликдаги девор устида ўтириб, отаси пастдан белкурақда узатган лой билан девор кўтараяпти. Офтоб атрофни ёндирарди. Нафаси қайтади. Бошидан афт-ангоридан шовуллаб тер оқади. Жайранинг сихидай тип-тикка бўлиб ўсган сочлари ҳам офтобда куйиб, сарғайиб кетган. Кечгача яна бир пахса уриб, эгаси билан ҳисоб-китоб қилишлари керак. Нодир девор устида туриб саробдай жимирлаб турган катта йўл адоғига қаради. Олислардан нимадир қорайиб кўринди. Ота лой узатди, Нодир пайқамади, лой ерга қайтиб тушди. Ота гудранди. Нодир тишини-тишига қўйди. Ичида бундай ҳаётга минг лаънат ўқиди. Шу пайт олисларга машина – қоп-қора Волга девор ёнига келиб тўхтади. Ичидан қотмадан келган, дароз, ёзги костюм-шим кийиб, бўйинбоғ таққан шляпали киши тушиб улар-

га яқинлашиб кела бошлади. Отаси турган жойида қотиб қараб турди, сўнг сўқинди: “Энафар, бу нимага келди?”. Олифта ва савлатдор дароз уларга яқин келди. Бир девор устидаги Нодирга, бир отага қаради:

– Ҳа, арпангни хом ўрганмидим, салом ҳам бермайсан?! Ўзинг қолиб энди болангни ҳам хору зор қиляпсанми?

– Ишинг бўлмасин! Менга ёрдам бераяпти. Сендан ҳеч нарса сўрамайман, – деди отаси ҳам ижирғаниб ерга боқаркан.

Нодир бу ҳолатга ҳангу манг бўлиб қараб турарди. Ҳалиги шляпали каттакон мийғида кулиб, захархандалик билан кесатди:

– Ўшанда гапимга кирганингга эди, ишлаб юрардинг. Қайсарлигиндан гўр ҳам бўлмайсан, сен аҳмоқ.

Отасиники тутиб кетди, баттар ўшқирди:

– Нима қилишим керак эди? Колхозчининг боласига берилиши керак бўлган олтин медални анави, гумаштанг, совхоз директорининг ўғлига беришим керакмиди?

– Ўзингни бос! Итнинг орқанги оёғи бўлиб ўлиб кет, менга деса!...

Отаси жаҳл устида ердан бир чангал лой олиб ҳалиги каттаконнинг юзига туширди. Каттакон чайқалиб йиқилиб тушди. Шляпаси бошидан учиб йўл бўйлаб филдираб кетди. Шу тобда қора ойнаванд Волганинг орқа эшиги очилиб, бир қиз чинқираб юборди.

– Ота-а-а! Ота-а-а..., – қиз гандираклаб шляпасини олаётган каттакон томон чопиб борарди. Бу – Зумрад эди.

Девор устида ўтирган Нодирнинг кўзи тиниб, боши чирпирак бўлиб айланиб, бўғзига нимадир тиқилиб, нафаси қайтди. Туйқус мувозанатини йўқотиб, девор устидан “шилқ” этиб чақиртикан устига қулади. Елкасига тиг санчилгандай, елкасини нимадир куйдираётгандай, кўзидан олов чиқиб, бошида чақин чаққандай бўлди. У ҳолсизу хуши учганча ётган жойида каттаконнинг:

– Лаънати, мен сени йўқотаман, турмада чиритаман, – деган дўқ-пўписасини эшитди.

Отаси Нодирнинг устидан ярим челак сув куйиб ўзига келтирди. Алаמידан дағ-дағ титраган кўйи ўғлининг нам бошини бағрига босиб ўкириб йиғлаб юборди. Нодир отасининг бундай аҳволда илк бор кўриши эди.

– Тур, ўғлим. Тур, уйга кетдик.

Ота ўғлининг қўлтиғидан суяб турғазди. Унинг елкаларини силади. Елкасига қадалиб қолган чақиртиканларни кафти билан силаб тушириб ташлади. Елкасининг чақир тикан кирган жойлари қонталаш бўлиб, чизиллаб қон сизилди.

Нодир уйда бир ҳафта алаҳсиб ётди. Офтоб уриб, ҳолдан тойган экан, дейишди. Дарди бир ўзига, бир худога маълум бўлди. У оёққа тургач, отасининг қарори билан оиласи чўлга кўчди. Нодир икки йил чўл мактабида ўқиди. Шу икки йил ичида Зумрадни бир кун ҳам хаёлидан чиқармади. Уни эслаганда елкасида нимадир чимиллаб оғриқ бериб қўярди.

Чўлдаги мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқишга кетди. Қишки имтиҳон пайти қишлоқдан курсдоши гап топиб келди, Зумрад эрга тегди. Отаси қизини ўзидан ҳам каттакон одамнинг боласига узатибди. Ёшлиқнинг биллур умидлари чилпарчин бўлди.

Орадан кўп ўтмади. Зумраднинг отаси қамалди. Нодирнинг отаси оиласини олиб чўлдан қишлоққа қайтди.

...Нодир болалик хотиралари оғушида тақдирнинг нотанти ўйинлари моҳиятини худди ташқарида айланаётган қор зарраларига узоқ термулиб ўқиб олиши мумкиндай, оғир ўйга ботиб ётарди. У анча пайтгача хона деразасидан кўз узмади. Оқиб ўтаётган умр дарёси ҳақида ўйлади. Улим билан ҳаёт оралиги бир қадамлигини англаб етгандай бўлди. Бору йўғидан беҳабар бу дунёда зарра бошида не-не синовлар чархи айланганини кўз олдига келтирди. Кейин... кейин нигоҳи толиқди, кўзларини юмди. Зум ўтмай уйкуга кетди.

...Бугун ўттиз биринчи декабрь.

Янги йил кириб келаяпти. Кўзи эшиқда, ҳамширанинг кириб келиб, сизга жавоб бўлди, дейишини кутаяпти. Тушдан кейин иккита осма укол олса, бас, агар ташхислар яхши чиқса (яхши чиқсин, ишқилиб) уйига кетади. Хона эшиги очилиб ҳамшира кириб келди. Юзида табассум. У эшик ҳатлаши ҳамано бош бармоғини тик қилган ҳолда “зўр” ишорасини қилди:

– Ташхисингиз во! Мана бундай. Тушдан кейин осма... Сўнг уйга жавоб!

Нодир ўзини узоқ йиллардан бери шифохонада ётгандай ҳис қила бошлаган эди. Бошидаги туман тарқади, кетди. Шу маҳал кўл телефони жиринглади:

– Ҳа, Нодирвой, қалайсан? Байрам билан йўқламайдиям деб ўпка-гина қилиб турсам, шифохонага тушиб қолганингни эшитдим. Нима гап, тинчликми? Соғлигинг дурустми? Ўзим сени кўргани бормоқчи бўп турибман...

Устоз. Халқнинг ардоқли, улуғ шоири кўнғироқ қилиб турибди. Нодир ҳаяжонланганидан калимасини тополмай турди:

– Раҳмат, устоз. Минг раҳмат. Мана, чиқаяпман. Яхшиман. Жавоб беришди. Ўзим Сизни кўриб ўтаман, устоз. Миннатдорман!

Кўнгли тоғдай кўтарилиди. Катта бошини кичик қилиб кўнғироқ қилгани учун Устоздан миннатдор бўлди.

Йўлнинг икки четида ўрнатилган симёғочлар чироқлари нурида товланиб тушаётган қор зарралари кўнгила алланечук завқ-шавқ бағишлайди. Нодир машина ойнасидан нур оғушида ярқираб айланиб учаётган қор учқунларига кўтаринки кайфият билан қараб борарди. У худди ҳаётини янғидан бошлаётгандай, шу файзли янги йил тунидаги ҳамма яхши нарсалар фақат унга аталгандай эди гўё.

Ҳайдовчи машинани дабдабали кўп қаватли савдо мажмуаси ёнида тўхтатди. Одам гавжум. Ҳамма байрамга у-бу нарса харид қилади, ҳамма уйига шошилади. Нодир кенжа қизига каттакон ўйинчоқ – оқ айиқ сотиб олди. Хотинига беш дона қип-қизил атиргул харид қилди. Устозникига ҳам қуруқ кўл билан кириб ўтишни эп кўрмади. Торт ва қимматбаҳо вино олди. Ўз ишидан кўнгли тўлиб машинага ўтирди.

– Аввал Устознинг уйига ҳайда. Ярим соат ўтирамиз-да, кейин уйга қайтамиз. Қўрқма, байрамга улгурамиз!

Эшикни нотаниш аёл очди. Нодир афт-ангоридан хизматкор эканини англади. У Нодирга узоқ тикилиб турди. Кўзлари шунчалар маҳзун эдики,

тим қора қорачиқлари қаърида алланечук сирли бир жозиба яширинганди. Аёл кўзини ерга қадади-да, шарт бурилиб ошхона томон кетди.

Байрамона дастурхон. Оила жамулжам. Емак-ичмакнинг ками йўқ. Устоз байрам тилагини айтди. Нодир ичмади. Ахир, тўғри шифохонадан келаяпти. Аҳволи ўзига аён.

– Устоз, мен қайтсам...

– Тўхта, ярим коса қайнатма шўрва ичиб кет, – сўнг янгага қаради. – Зумрад ҳам келсин, ўтирсин! – Устознинг ўзи ошхона томонга овоз берди: – Зумрад! Қолган ишни кейин қилаверасан! Дастурхонга кел! – Нодирга қараб қўшиб қўйди – Дарвоқе, бу аёл сен томондан. Янгангнинг синглиси олиб келди. Қўшни туришаркан. Бироз қийналиб қолибди. Ҳа, майли, дастурхонга қара!

Шу маҳал кўлида ликопча ва бир талай санчки кўтариб ҳалиги аёл келиб, четдаги курсига омонат чўқди. Нодир унга яна диққат билан разм солди. Бирдан юраги гупиллаб уриб кетди. Кўз олди оний ҳолатда қоронғулашиб ёришгандай бўлди. Нафаси тикилди. Лаблари пирпиради. Ўзига-ўзи пичирлади: “Зумрад... Зумрад...” Нодир оғир уф тортди, базўр ўзини тутиб турарди. Томоғига бир ўкирик тикилиб турарди. Зумрад дастурхон четидаги омонат курсида омонатгина бўлиб ўтирарди.

– Устоз, – деди Нодир овози қалтираб, – Мен энди бораёй...

– Ҳа, тобинг бўлмаептими?

– Шундай...

У зўрға оёқда тик туриб ҳовли эшигига чиқди.

– Тезроқ ҳайда, – деди ҳайдовчига овози хириллаб, – олд ойнани очиб қўй!..

– Совуқ-ку, шамоллайсиз.

– Оч. Очиб қўй!

Машина ичига шамол қор учқунларини ҳайдаб кирди. Далабоғ этагига етгач, Нодир машинани тўхтатишни буюрди.

– Нима бўлди, хўжайин? Тобингиз қочдимми?

– Билмадим, аъзойи баданим ёниб бораёпти. Елкам ачишяпти.

У машинадан тушди. Эгнидан пальтосини, костюмини ечди. Ҳайдовчи анграйиб қараб турарди.

– Нима қиялпсиз, хўжайин, ахир, ахир...

Нодир парво қилмади. Оппоқ қор устига елкаси билан чалқанча ётиб олди. Елкасини жизганак бўлиб куйдираётган оғриқ тина бошлади. Қор учқунлари Нодирнинг юзини оҳиста сийпалаб қўярди. У анчагача шу алфозда қор устида осмонга қараб ётди.

Кейин оғриқдан халос бўлган кўйи ўрнидан турди. Ҳайдовчига кийимларимни бер ишорасини қилди.

Нодир ҳозиргина ўзи қор устида чалқанча ётган жойга яна бир бор қаради. Айниқса, иккала курак ўртасидаги елка чуқурчаси изи уни сескантириб юборди. Қордаги елка чуқурчаси изида қон томчиси кўзга ташланарди. Улар бешта эди. Қонга боғган беш дона чақиртиканак оппоқ қорда гўё милтилаб турарди. Нодир елкалари енгил тортганини пайқайди.

– Қутилдиммикан, – деди ўзига ўзи.

Машина чироғининг ўткир нурлари қуюқ қор учқунларини ёриб олган интилади. Орқа ўриндиққа бошини машина ойнасига тираб олган Нодирнинг кўзларидан дувиллаб ёш оқарди.

Хизматингга шайланай, юртим

Шоҳида Даманова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори. “Йилнинг энг фаол журналисти” танлови голиби. Айни пайтда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилоят кенгаши раиси.



Мамлакатимизда илм-фан чўққиларини забт этган, қай соҳада бўлмасин, дунё ёшлари билан бемалол беллаша оладиган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган етук авлодни тарбиялаш устувор вазифалардан бирига айланди. Ўз юртини кадрлаб, ҳаётга катта мақсадлар билан кириб келаётган, мустақил фикрлай оладиган, касб-ҳунарни яхши эгаллаган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Ана шундай ёш истеъдод эгаларидан бири Шоҳида Даманова билан суҳбатлашдик.

– Зиёлилар оиласида туғилиб, тарбия топганман, – дейди Шоҳида. – Бобом мактабимизда тарих фанидан дарс берар эди. Мактабнинг энг фаол ўқувчиси бўлсам-да, бобомнинг дарсларига жиддий тайёргарлик кўрардим. Оиламизда таълим олиш, бўш вақтни унумли ўтказишга қўйилган жиддий талаблар боис бугун, мен қатори, опам ва укаларим ҳам жамиятнинг турли соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб боришмоқда.

Болалигимда ота-онамнинг қўллаб-қувватлаши, талабчанлиги, китобга, билим олишга рағбатлантириши менда катта ютуқларни қўлга киритиш орзусини уйғотган. Кечагидек эсимда, отам давлат ташкилотларидан бирида ишларди. Тўрт фарзандининг билим олиши, бўш вақтини самарали ўтказиши,

фан тўғарақларига қатнаши учун ҳар кунлик маблағни тақсимлаб, ўзи пиёда ишга кетарди. Отам фан олимпиадалари, китобхонлик танловларида иштироким учун барча шароитни яратиб берар, онам эса бундай ишларга мен билан бирга тайёргарлик кўрарди, ҳаяжонланарди, голиб бўлсам, ўзини голиб ҳисобларди. Туғилган кунларимизда китоб совға қилишни одат қилган отам кейинчалик ойлик маошини олдиндан олиб, мен ва укаларимга компьютер сотиб олганларини эслайман. Ўша пайтда оталик масъулиятининг нақадар кучли эканини бола кўнглим тўла англаб етмагани табиийдир. Аммо ўзим фарзандли бўлгач тўла ҳис қилдим.

2008-2014 йиллар Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг бакалавр ва магистратура босқичларини тамомладим. Бу даргоҳ менга журналистика сир-асрорлари билан бирга ҳаётий сабоқларни ўргатди. Талабалик йилларимда устозлардан сабоқ олиш, улар билан суҳбатлашиш ва дўст бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Бу қутлуғ даргоҳдаги кўплаб устозларим менинг ҳаётдаги мақсадимни аниқ қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилишимга сабабчи бўлган. Иш фаолиятимни матбуот соҳасида бошладим. Парламент журналисти сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини матбуот саҳифаларида ёритдим.

Кейинчалик Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши

Марказий аппаратида фаолият юритдим. Айни пайтда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши раиси вазифасида ишлаяпман. Бу ерда иш бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ёшлар билан анча йилдан буён биргадек ҳис қиламан ўзимни. Ёшлар ташкилотига ўтаётганимда “Уддасидан чиқаманми, ўз ишимдан завқ оламанми?” деган хаёл ўтарди кўнглимдан.

Бугун ёшларнинг қувончидан, уларнинг ютуқларидан завқ олиб, вақти келганда уларнинг муаммоларини ҳал қилиш менга янада кўпроқ куч бағишламоқда. Ёшлар иттифоқи номидан янада кўпроқ ишлашга, ишлаганда ҳам янги ғояларни йўлга қўйиб, жон-жаҳдим билан ишлашга уринаман.

Иш фаолиятимда доим журналистика билан ҳамоҳанг яшашга ҳаракат қиляпман. Илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар билан оммавий ахборот воситаларида мунтазам иштирок этиб боряпман. Асосий ишим билан бир қаторда “Сиёсий публицистика: мавзу долзарблиги ва талқин хилма-хиллиги муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб боряпман.

Қайси соҳада фаолият юритмай асосий мақсадим – Ватаним равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган, ота-онам ва фарзандларим фахрланиб юрадиган аёл бўлишни истаيمان.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА,
Жиззах вилояти

Мен фақат яхшилик

Кутаман



Шодмонқул САЛОМ

1980 йил 23 декабрда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида туғилган. Термиз давлат университетини тамомлаган.

“Юрак иқлими”, “Кўнги китоби”, “Борлигини билганлар” каби шеърӣй, “Кўнги обидасига йўл”, “Оққапчиғай тўлқинлари” каби насрий китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Декабрнинг тугаши қизиқ,
Декабрнинг тугаши қийин.
Кўрагимда уйғонган оғриқ
Ҳаётимни қилмоқда ўйин.

Тун умримдан узунга ўхшар,
Фалак амри кўп ишга қодир.
Изтиробу қувонч аралаш
Ёмғир ва қор берди декабрь.

Йил деҳқондир – ҳосил кўтарган,
Кутганидек бўлдиммикан чош.
Юрагимга туйғу жамғарган
Сал нарида турибди қирқ ёш.

Айиқ, бўри, қуён ва буғу –
Ниқобларни ташиб келаман.
Ўғлим, қизим кетар севиниб,
Қорбобога ўхшаб қоламан.

Ўйдан ишга, ишдан сўнг ўйга,
Борлигимни ташлаб кетаман.
Севги кесиб ўтар йўлимни
Худойим, нетаман, нетаман?

Бойсундаги азиз даштларда
Бир заҳматкаш сафарларим бор.
Қумқўрғонда отамга ўхшаб
Кутаётган сабрлар бисёр.

Декабрдан умидим кўпдир,
Кечаларни юриб ўтаман.
Юрагим чўғ, вужудим чўпдир,
Мен фақат яхшилик кутаман.

Мен фақат яхшилик кутаман.

АЁЛ, МЕН ҚОШИНГДА МАНГУ ГЎДАКМАН

Манзура келганди, онам шод эди,
Бошқоронғу эди бизнинг Шоҳиста.
Руҳим қирларига турналар кўниб,
Сузиб кетардилар оҳиста...

Онамнинг қувончи жудаям қиммат,
Жуда осон эди ғусса ташрифи.
Манзуржон, бир даста гулдай келдинг-а...
Оғаннинг бундан соз йўқдир таърифи.

Манзура, кенжамиз, эрқароқ эди,
Унинг уч ўғлини овлади сайёд.
Кўнглига боқмадинг, кўзига боқмадинг,
Бунча кўлинг қаттиқ, отажон, Ҳаёт!

Кейин онам кетди... тўйга кетгандай,
Манзура кўнмади – йиғлоқ бўп қолди.
Унинг анор сувли жомдай кўнглига
Худойим барибир сабр ҳам солди.

Ҳа, шул-да, кўнмоқ-ку, бандадан талаб,
Не-не баҳоналар қилиб кўрмадим.
Бизларни Оллоҳдан олганди талаб,
Айтган томонига сира юрмадим.

Ҳа, шул-да, юпанчим – таскинни топдим,
Йиғлатганин ўзи юпатди охир.
Кўноғидан қочган қулундай чопдим,
Бунчалар ширин бу! Воҳ, бунча талхдир.

Сен борсан, баҳорга ишонаман-да,
Сен борсан, кузакнинг тилин топурман.
Онам, синглим, қизим ва яна сен ҳам,
Келинлар, меҳримдан нонлар ёпурман.

Аёл, мен қошингда мангу гўдакман,
Шаррор қўшиқ бўлиб юрибман, мана.
Аёл, сен борсанки, ғамлардан кулиб,
Шоирлар қилурлар зебо тантана.

...Ердан бошқасида сув йўқ демишлар.
Қақраган кўнглимга оққувчи зилол.
Инсонга меҳр-ла кўл чўзган Тангрим,
Ўша азиз кўлнинг бир номи – Аёл.

Аёл, мен қошингда мангу гўдакман...

Оққушлар руҳимни уйғотар...



Адиба УМИРОВА

Қашқадарё вилояти Қарши туманида тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг Олий Адабиёт курсида таҳсил олган. Унинг "Яшил тушлар", "Қуёшга йўл", "Ёруғ сирлар" шеърий тўпламлари чоп этилган. "Олтин қалам" халқаро Миллий мукофоти совриндори, "Йилнинг фаол журналисти" Республика танлови голибаси. Мустақиллик кўрак нишони соҳибаси. Айни пайтда "Халқ сўзи" газетасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

ШОДЛИК КЎЧАСИ

Кўнглим чайласига қўнган, эй Қушлар,
Ҳар тонг шу боғларни ўйларди отам.
Содда юрагини гулларга бериб,
Ўзга дунёлардан сўзларди онам.

Мен қуёш нурига арқонлар осиб,
Кучардим тонгларнинг биллур кулгусин.
Ва салом йўллаган капалакларга
Қўшилиб учардим қайгадир бетин.

Қуш эди хаёлим – ерга қўнмас ҳеч,
Нозбўйлар ҳидига тўлганда фалак.
Майин ёмғирларнинг шивирларида
Айтиб берар эди бобом ҳам эртак.

Шодлик кўчасида эди уйимиз,
Акам узумзорга жон-дилдан қарар.
Опам чевар эди, ҳар бош узумга
Эринмай тикарди гулдор халталар.

Узум шиннисидек тортар қушларнинг
Ширадан бўғилган овозалари.
Кўришиб турарди қўшимиз билан
Хайр-бараканинг дарвозалари.

Бобом кетди, кейин момом ва қушлар
Ортидан сарғайиб қолди боғимиз.
Биз ҳам кўчиб ўтдик панжара билан
Ўралган ҳовлилар бирига, эсиз!

Буёғи унчалик қизиқмас, тўғри,
Қувноқ юзимиздан кулгу ариди.
Дунёи дун деган қувончимизни
Бир кун кимларгадир сотиб юборди.

Қушларни қафасдан сотиб оламан,
Титрайди у кунлар ёди ноаён.
Уяси бузилган чумолиларнинг
Дардини тинглайман ўшандан буён.

Кўнглим чайласига қўнган, эй Қушлар!..

ҚАВС БОҒЛАРИ

Умримми – беқадр тўкилган хазон,
Ё эрта очилиб дўлда қолган гул.
Қавс боғларида изғиган мезон –
Адашган ул қамар сенмисан, кўнгил?

Сенмисан – тириклик базмидан сархуш,
Ғамини кўзимга яширган дунё?
Ҳақнинг хаёлида кезиб юрган туш,
Мангу бир азобга айланган рўё?

Кетиб шу ердаги эзгин зорлардан,
Ҳеч қачон ортига қайтмаган ошиқ.
Тирик чиқиб бўлмас қайғуздорлардан
Омон олиб чиққан сенмисан, эй, ишқ?!

Сенмисан – дилимга туйғулар солиб,
Кимнингдир йўлига маҳтал қаратган?
Юракнинг энг гўзал жойидан олиб,
Негадир бахтимни кемтик яратган?

Ўзимни ахтариб чарчадим бекор,
Топганим шу шеър, шу маҳзун чироқми?
Шунча йилдан буён, ё Парвардигор,
Ҳали ҳам дунёга келганим йўқми?!

СИЗНИ БИЛМАДИМ-У...

Сизни билмадим-у, менга танишдек
Уфқ ортидаги пуштиранг йўллар.
Кўзим дарёсида яшаётгандек
Нурларга ғарқ бўлиб неча минг йиллар.

Айни шу лаҳзада ёруғ сирларга
Кўмилган дунёга келганман бирров.
Қонимдан то ўтли нафасимгача
Кўксимни куйдирар ишқ деган олов!

Санобар тушлардек бариси аён,
Оққушлар руҳимни уйғотар огоҳ.
Қачондир елкамда қанот бўлганин
Менга эслатади осмон баногоҳ.

Ноумид эмасман агар айрилсак,
Соямиз қўшилар суман гулида.
Қайсидир ҳаётда яна учрашсак,
Балки, сўзлашармиз қушлар тилида!

Ҳомиладорликнинг

еттинчи-саккизинчи ойлари

Ҳомиладорликнинг 25–28-ҳафтаси етти ойлик давр ҳисобланади. 25-ҳафтадан кейин ҳомила тушиб қолиши хавфи анча камайиб боради. Ҳатто, 28-ҳафтада – барвақт туғиш ҳам боланинг яшаб қолишига имкон беради. Бу ҳафталарда аёл тез тўлиша бошлайди.



Ҳомиладорликнинг еттинчи ойига келиб, аёлнинг сут безлари ҳажми сезиларли даражада ошади, оғиз сути ажралиб чиқади. Ҳар ҳафтада аёл 350 граммгача вазн йиғиши, шу меъёрдан ошмасликка ҳаракат қилиши керак. Агар тез тўлишаётганлиги ўзига ҳам сезилса, маълум муддатга углеводлар ва сут истеъмолини тўхтатса бўлади. Тузни кўп миқдорда истеъмол қилиш ҳомиладорларда турли шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Газланган сув ва шарбатлардан аллақачон воз кечган бўлишингиз керак. Шўр ейишдан ҳам тийилганингиз маъқул. Кунига кам-камдан олти-етти марта

овқатлансангиз, очиқмайсиз, ошқозонда оғирлик пайдо бўлишининг олдини ҳам оласиз. Фақат секин, майдалаб чайнаб овқатлансангиз, жигилдон қайнаши ҳам безовта қилмайди. Тез, шошиб овқатланиш сизни жигилдон қайнаш муаммосига дучор қилишдан ташқари, вазнингизнинг меъёрдан ошишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Етти ойлик вақтга келиб ҳомила янада катталашади, шунингдек, ўпкага юк тушиши боис ҳомиладор аёлни нафас қисиши безовта қилиши, бачадонининг босими билан боғлиқ ҳолда қабзият кузатилиши мумкин. Кўрик вақтида шифокор керакли текширувларни ўтказиши, ҳомиланинг юрак уришини эшитиши ҳамда унинг бачадондаги ҳолатини аниқлаб бера олади. Еттинчи ойнинг охирида бачадоннинг заиф қисқариши, яъни ёлғон қисқариши пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат халқ тилида “ойтўлғоқ” деб ҳам юритилади. Ҳомила эса бу муддатга келиб бачадонда тўғри жойлашиб олади, яъни боши билан пастга қараб ўтиради. Мазкур ойларида кичкинтойнинг ўпкалари ва унда жадаллик билан сурфактант моддаси шакллани бошлайди. Айнан шу модда кичкинтой туғилгандан кейин унинг ўпкалари ёзилишини таъминлаб беради. Она ҳомиланинг қимирлашини кечаю кундуз ҳис қилади. Кичкинтойнинг бўйи еттинчи ойнинг сўнгида 35 сантиметр, вазни 1000-1200 граммга етади. Бундан буёғига у кўпроқ вазн йиғиб боради. Ҳомиланинг ҳиқичоқ тутаётганини сезсангиз, бу ҳолат унинг атрофидаги сувларни ютаётганига ишора бўлади. Кичкинтойнинг териси оч тусга киради. Унинг таъм билиш ва эшитиш каби сезилари ривожланади. Мулоим, ёқимли мусиқа кўйиб берсангиз, эркаласангиз кичкинтойингизга жуда хуш ёқадди. Шовқин-суронли мусиқалар, жанжал-тўполонлар кичкинтойни чўчитиб юбориши фанда исботини топган. Агар сиз стресс ёки чарчоқни бошдан кечириётган бўлсангиз, ўзингизни қўлга олишга, руҳий осойишталикка интилинг. Сиз кўпроқ дам олиш, ишдан эрта чиқиш ёки туғуруқ таъ-

Еттинчи ойнинг охирида бачадоннинг заиф қисқариши, яъни ёлғон қисқариши пайдо бўлиши мумкин.

тилини режалаштирганингиздан олдинроқ олиш орқали ўзингизнинг аҳволингизни яхшилашингиз мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳомиладорлик пайтидаги оғир руҳий зўриқишлар бола ривожланишига салбий таъсир қилади, чақалоқ туғилиши пайтида нафас олиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолат, айниқса, талабалик пайтида юкли бўлган ёш аёлларга ёки ишни ҳамма нарсадан устун қўювчи, ёки оилани боқишни зиммасига тўлалигича олган аёлларимиз учун тааллуқлидир. Ахир, бежизга давлатимиз томонидан қонуний туғуруқ олди таътили белгилаб берилмаган, буни оиладаги барча яқинлар қаторида ҳомиладор опа-сингилларимиз ҳам ҳис қилишлари керак.

Ҳомиладорликнинг саккизинчи ойи

Ҳомиладорликнинг 8-акушерлик даври ҳомиланнинг фаол ўсиши билан тавсифланади. Бу даврда ҳомиланнинг бўйи 40 сантиметр, вазни 1500-1600 граммгача ортади. Бу ойда онанинг танасида суюқлик миқдори сезиларли даражада ошади, натижада унинг оёқ-қўлларида шиш пайдо бўлиши мумкин. Шишнинг тарқалишини, шунингдек, ҳомиладор аёлнинг қон босими ўзгаришларини кузатиб бориш, албатта, зарур. Чунки бу ҳолат туғуруқ пайтида муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун туз истеъмолини камайтириш, шунингдек, ётишдан олдин суюқлик ичишдан сақланиш тавсия этилади. Борган сари ёлғон қисқаришлар сони ортиб боради. Одатда, бу қисқаришлар оғриқсиз юз беради. Агар қисқаришлар оғриқ билан бирга бўлса, албатта, шифокорингизга мурожаат қилишингиз керак. Энди аёл учун имкон қадар кўпроқ юриш ва тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилиш жуда муҳимдир. Бу вақтда мутахассислар унга



Агар қисқаришлар оғриқ билан бирга бўлса, албатта, шифокорингизга мурожаат қилишингиз керак.

орқамачаси ухлашни маслаҳат бермайдилар, чунки бундай ухлаганда пастки вена сиқилиб, бош айланиши ва соғлигининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Чақалоқ эса аллақачон тўлақонли “одамча” бўлиб, оғриқ, осойишталикни сезади, ёруғлик таъсир қилади, эшитади, кўзларини қисади. Мияси эса ўсишда давом этади, унда тобора кўпроқ нейронлар ва синапслар ҳосил бўлади. Шу боис у туғилгандан дунёга келиб эмиш, ютиш ва нафас олиш каби зарур кўникмаларга эга бўлади. Ҳомиладорликнинг бу ойида онадан болага қон оқими орқали иммун тизимни ҳимояловчи антитаначалар боради. Улар болани туғилгандан кейинги дастлабки ойларда дуч келиши эҳтимоли бўлган кўплаб касалликлар, жумладан, юқумли касалликлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Жонидан жон яралишини кутаётган ҳар бир она фарзанди олдидаги бутун масъулиятни аниқ англаши керак. Шунинг учун у шифокор ҳузурига ўз вақтида бориши ва саломатлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши керак. Бу муддатда аксарият аёллар кўзим ёригач, қўлим бўшамайди, деб уй тозалаш, гилам ювиш каби оғир ишларга уннаб кетишади. Меҳнатсевар бўлганингиз яхши. Лекин ҳамма нарсанинг меъёрини билинг ва амал қилинг. Сиз учун энг муҳими икки жоннинг саломатлиги эканини ҳаммиша ёдда сақланг. Зарурат туғилганда, яқинларингиздан ёрдам сўрашга хижолат бўлманг. Яхши кайфият билан ҳордиқ чиқаринг, ҳаётдан завқланишга ҳаракат қилинг. Шунда оналик ҳам шу кайфият билан бошланади.

(Давоми кейинги сонларда)

Дилфуза ТУРДИЕВА,
ТошПМИ 1-госпитал педиатрия
кафедраси доценти, олий тоифали
неонатолог.

Бунинг не маъниси бор...



Кўрганимда гашимга тегадиган ҳамма нарсани гапиравермай дейман. Шу нарсани ўзларига муносиб кўришяптими, демак, биророрта билганлари бордир, дейман. Лекин одам боласи эгнига кийим кийганларидан бери бино бўлган турфа либослар ҳақида ўйласам, ҳаммасида бир маъни бор. Қай бир кийим совқотмаслик учун, яна бошқаси кишининг тўлалигини кўздан яшириш учун, яна бошқаси озғинлигини билинтирмаслик учун турли бичиқларда тикилган. Ҳатто, яқин-яқинларгача аёлларимиз маза қилиб киядиган кўкракбурма кўйлақларнинг ҳам ўз вазифаси бор. Лекин бу бичиқдаги кўйлақларнинг-чи... Ҳай-ҳай, яна тилимнинг тугуни ечилиб кетди. Элчилик, тўйга борамиз. Ота-оналарнинг мурод-мақсадлари ҳосил

бўлганидан, келин-куёвларнинг бахтидан суюнамиз. Қувончларининг бардавом бўлишини тилаб дуолар қиламиз. Лекин шу хурсандчиликлар орасида бир кўриниш кўзимда туриб қолаверади. Бу ҳолат тўйхонага келинчак кириб келганидан бошланади. Замонасига мос – кўксию елкалари меъёрдан ортиқроқ ўйилган ҳашамдор кўйлақ... Орқаси олдига нисбатан анча узун ...Бу ҳам етмагандек, изида камида икки метр чўзилган “дум”и ҳам бор. Уни болачалар икки тарафидан кўтариб олишган. Баъзи тўйларда мартаба қилиб уни кўтариш учун гўзал раққоса қизларни ҳам чақириб қўйишади. Келинга тақлид қилиб, атрофида ўнтача қиз шундай кийинишини биласиз. Ҳамма тўйда эмас-ку-я, лекин ҳашаматга ўч оилалар ўтказаетган тўйларда этаги судралган кўйлақ кийган қизлар, ҳатто, аёлларни тез-тез учратасиз. Эҳтимол, қай бир мамлакатларда бундай кўринишнинг бирорта маъниси бордир. Лекин ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатининг замирига бирор маъно сингдирган Шарқда бундай кўйлақлар қандай маъно касб этаркин? Биринчидан, минг марта тозаланган бўлса-да, келинчак ҳам, унинг бундай бичимдаги кўйлақларга ишқибоз таниш-билишлари ҳам оёқ билан юрилган жойдан юриб келишади. Демак, ҳашам учунми, яна қай бир сабаб билан қилинган узун этак супурги вазифасини ўтамайдими? Кимдир кўтариб олган бўлса-да, қайсидир бир қисмлари ерга тегиб турганини кўрамиз-ку, ахир. Пок қалб, пок ният билан қадам кўяётган оламига этагига кир илаштириб кириш маънавиятга ҳам, бугун биринчи галдаги эътибор қаратилаётган гигиенага ҳам тўғри келмайди-ку. Қолаверса, тўй оқшомининг ўйин-кулги қисми бошлангач, шу бичиқдаги кўйлақ кийган қиз-жувонлар қулочларини ёзиб ўртага тушишади. Ҳадеб кимдир уларнинг судралмасини босиб олади, “раққоса” гандиракляб кетади, завқига қуя тушади... Бу ҳолат келинчак ўртага тушганда ҳам такрорланади. Фақат унинг атрофи сал бўшроқ бўлгани учун ўзи ўзига ўралади. гоҳ дугонаси, гоҳ куёвтўра унинг кўйлагини тўғрилаш билан овора... Хўш, бу турган-битгани дахмаздан иборат бундай бичиқдаги либоснинг нима кераги бор? Ахир, бутун дунё аҳолиси мураккаб бир даврда яшаш учун қулайлик излаб топаётган бир даврда бундай ноқулайликдан нима наф? Ортиқча харажат, бунинг устига, ҳар босилган қадамда оворагарчилик... Ўзингдаги оворагарчилик етмагандек, бошқаларни ҳам доминга тортасан... Хуллас, мен бир бошим билан ўйлаб-ўйлаб бу либоснинг маънисини тополмадим. Шунинг учун Сизга юзланаяпман: Сиз бундай ер супурган кўйлақларда бирор маъни кўрган бўлсангиз, менга айтинг, бошқа сафар кўрганимда кўзимни юмиб қўя қолай...

Картошка жиз

Керакли махсулотлар:

0,5 кг. картошка, қовуриш учун 100 гр. ўсимлик мойи, туз, майда қизил қалампир, майда қора мурч таъбга кўра туз.

Тайёрланиши:

Узунчоқ-узунчоқ текис картошкани сувда ювиб, пўстлоғи билан пишириб оласиз. Совуган картошка пўстлогини шилиб олиб, энига 0,5 см. қалинликда кесиб, товадаги қизиб турган ёгга териб чиқасиз-да, устидан туз, хоҳишингизга қараб майда қизил қалампир ёки майда қора мурч сепасиз. Картошка таги сарғимтир-қизил ранг олганидан кейин ағдариб, уларни худди шундай пастроқ оловда қизартириб олиб, нонушта дастурхонига тортасиз. Картошка устида қизил рангли қобиқ пайдо бўлиб, жуда мазали, тўйимли таом тайёр бўлади. Картошкаларни 1–2 кун аввал пишириб музлаткичда сақлашингиз мумкин.



Янги йил димламаси

Керакли махсулотлар:

1 дона кичик курка гўшти, 1 дона катта карам, 400 гр. ўсимлик мойи, 4 дона саримсоқ пиёз, 1,200 гр. картошка, 0,5 кг. булғор қалампери, 700 гр. қизил сабзи, 4 бош пиёз, 3 боғдан, петрушка, шивит, 4 ош қошиқ зира, 4 боғ кўк пиёз, 2 дона катта анор, 3 дона яхши пишган беҳи, таъбга кўра туз.

Тайёрланиши:

Бир-икки кун олдин курка гўштини 60-80 граммли бўлакларга бўлиб, туз, зира, озгина сув билан яхшилаб аралаштирасиз-да, устини ёпиб қўясиз. Карамнинг устидаги қобиқларини бутун ажратиб олиб, ичидаги ўзаги, қобиқчаларини майда қилиб тўғраб қўясиз. Саримсоқ пиёзни баргларидан ажратасиз, картошка, қизил сабзи, бош пиёз, сель-

дерей, укроп, петрушкаларни йирик қилиб тўғраб тоғорага солиб, капкир ёки қўлингиз билан озгина туз сепиб аралаштириб қўясиз. Муздек қозон тагига курка гўштини териб чиқиб, устига тоғорада аралаштириб қўйилган масаллиқни солиб текислаб, босиб қўясиз. Яхши пишган йирик беҳини ювиб, 8 бўлакка бўлиб, данакларидан тозаласиз-да, қозонга солинган масаллиқлар устига териб чиқиб, майда тўғралган карамларни соласиз. Улар устидан карамни катта қобиғи, яъни барглари билан масаллиқларнинг устини ёпиб териб чиқасиз-да, устидан ўсимлик мойи, 0,5 литр сув қуйиб, тоғорачани



ёпиб қўясиз. Оловни баланд қилиб ёқасиз, суви қайнай бошлаганидан кейин оловни пасайтириб қўясиз. Икки соат ўтгач, қозон қоққоғини очиб, устидан беҳиларни кичикроқ тоғорачага кўтариб оласиз. Димламани капкир билан тагидан юқорига қараб аста-секин аралаштирасиз-да, устига пишган беҳини териб, майда тўғралган кўк пиёз, яхши пишган анор доналарини сепиб дастурхонга тортасиз.



Қовоқ ва шолғомдан шўрва

Керакли махсулотлар:

1,5 кг. гўшт, 1 кг. картошка, 0,5 кг. қизил сабзи, 0,5 кг. бош пиёз, 8 дона қизил булғор қалампери, 0,5 кг шолғом, 1 кг. ошқовоқ, 3 дона саримсоқ пиёз, 2 боғдан сельдерей, петрушка, шивит, кўк пиёз, кашнич, 8 дона лавр япроғи, таъбга кўра туз.

Тайёрланиши:

Мол гўштининг қовурга, биқин, илик қисмларидан олиб, бўлакларга бўласиз ва кастрюлькадаги сувга солиб, паст оловда милтиллатиб қайнатиб қўясиз. Пиёзни майда, қизил сабзи, шолғомни йирик тўғраб соласиз. Сельдерей, петрушка, укропларни совуқ сувда ювгач галтак ипи билан маҳкам боғлаб, лавр япроқлари билан биргаликда шўрвага соласиз. Шўрва уч соатда пишади. Пишишидан ярим соат олдин ўртача катталикдаги картошкани бутун солиб, кетидан ошқовоқни катта-катта бўлакларга бўлиб шўрвага соласиз-да, туз-намагини тўғрилайсиз. Шўрва пишгач, ундан кўкатлар, булғор қалампирини олиб ташлайсиз. Олдин куруқ шўрвасини косаларга сузиб, устига майдаланган кашнич сепиб, дастурхонга тортасиз. Алоҳида лаганга картошка, гўшт, сабзи, қовоқ, шолғомларини сузиб, устидан майда тўғралган кўк пиёз, кашничларни сепиб дастурхонга тортасиз.

САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг ижтимоий-
сиёсий, адабий-бадиий,
безакли журнали
1925 йилдан чиқа бошлаган

11-сон (915) 2020 йил

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-
қувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА
Гулнора МАЪРУФОВА
Муҳаббат ШАРОПОВА
Саодат БОЙМИРЗАЕВА
Ойдин ҲОЖИЕВА
Энахон СИДДИҚОВА
Гулистон МАТЁҚУБОВА
Гавҳар АЛИМОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Бўлим мудирлари:
Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусахҳих:
Маъмура ЗОҲИДОВА
Саҳифаловчи:
Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани
Мирзакалон Исмоилий Г-1.
E-mail: info@saodat-gul.uz
Веб сайт: www.saodat-gul.uz
Тел.: (93) 555-45-41, (99) 727-29-65

Босмахонага 28.12.2020 йил
топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботиқ босма.

Нашр ҳисоб тобоғи 5,75.

Индекс – 867

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил
22 декабрда Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 0061-рақам
билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Буюртма №1194. Адади 1130.
Баҳоси келишилган нархда.

Ушбу сонда:

МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ
4 Чимбойнинг она қизи

ҚАРОРДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР
12 Муҳтарам УЛУҒОВА
Энг чиройли бахт

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМЛАР
15 Ризқи юлдузларнинг
чангидан

ЖАННАТИМ ОНАМ
16 Энанинг боласи ёлғон
ёзмайди

НАСР
20 Қўчқор Норқобил.
Янги йил кечасида

СИЗ ОНА БЎЛЯПСИЗ
28 Ҳомиладорликнинг еттинчи-
саккизинчи ойлари



Биринчи муқовада:



Ўзбекистон халқ артисти
Муножат Йўлчиевани илк
бор мухлисларига севимли
қилган, ҳазрат Навоий сўзи
билан айтиладиган “Муно-
жот” ашуласини тинглаган
бетакрор дамларимизнинг
ҳаяжонлари фақат ўша
онларда эмас, ҳофизани
қачон эшитсак, такрорла-
нади.

Азиз мухлисларимиз!

Бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз бошига тушган синовли кунлар туфайли журналимизнинг навбатдаги сони ҳам кечикди. Сиздан узр сўраган ҳолда “Саодат”нинг ноябрь сонини тақдим қилмоқдамиз. Бу машаққатли, сабоқли дамларни ҳам, албатта, биргаликда енгиб ўтаемиз. Маънавият, маърифат инсоннинг бошига тушган ташвишларни енгиллатиш, унга руҳий қувват бахш этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак эканимизга шубҳа йўқ. Демак, биз Сиз учун меҳнат қилишни давом эттираемиз, Сиз ҳам ўз хонадонингиз, оилангиз, маҳаллангиз билан қадрдон нашрингиздан узоқлашмайсиз, деб ишонамиз!





“САОДАТ” 95 ЙИЛ



Азиз опа-сингиллар!

Кўп йиллик қадрдонингиз “Саодат” журнали бу йил табаррук 95 ёшга кирди. Юртимизда бўлаётган янгиликлар, элга машхур инсонларнинг кўнгил манзаралари, муаммолари, кечинмалари ҳақидаги қизиқарли материаллар, тарихий, замонавий мавзудаги насрий, назмий асарларни Сизга тақдим қилиб бормоқдамиз ва мавзулар бардавомдир. Саҳифаларимиз жаҳон адабиёти янгиликларидан ҳам сизларни хабардор қилиб боради.

Энг дилбар, дилкаш, жозибали нашр “Саодат” журнали учун обуна давом этмоқда!



70486
Узбекистон

